# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2002 йил, 21 май, сешанба № 61 (1637). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 21 мая, 2002 год № 61 (1637). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.


## Япон олимининг эътирофи

Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ японияли машҳур археолог Кюдзо Като «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Олимнинг халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижда тарғиб этишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ана шундай муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида муборак 80 ёшини қаршилаган олимга Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотини тантанали топшириш маросими бўлди. Бу ерда К. Като қаламига мансуб асарлар ҳамда ўзбек-япон илмий ҳамкорлиги самараларини намойиш этувчи махсус кўргазма ҳам ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Кюдзо Катони мамлакатимизнинг юксак ордени билан мукофотлаш ҳақидаги Фармонини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди. У Кунчиқар юртнинг машҳур қадимшунос олимига Ватанимизнинг ушбу мукофотини топширар экан, ўзбек ва япон халқлари маданияти, маънавияти, турмуш тарзида ўзаро муштарак жиҳатлар кўп эканини таъкидлади. Мустақиллик шарофати туфайли икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётир.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Беҳзод Иўлдошев, Японияннинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним, таниқли археолог олим Эдвард Ртвеладзе, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Қувондиқ Мадартов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда илм-фан ва маданият тараққиётига улкан эътибор натижаси ўлароқ, юртимиз тарихи, маданияти ва санъатига жаҳонда қизиқиш тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Бунга Кюдзо Катонинг Ўзбекистон заминида олиб бораётган узоқ йиллик самарали илмий фаолияти яққол мисол бўла олади.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов менинг камтарона меҳнатимни шундай юксак қадрлаганидан беҳад мамнунман, — деди Кюдзо Като. — Шу сабаб ўзбек халқига, унинг Иўлбошчисига таъзим қиламан. Йигирма биринчи юз йиллик барча халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик асри бўлишига ишонаман. Зеро, менга топширилган ушбу орден тимсолида ҳам ана шу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Юртингизга илк бор бундан қирқ йил муқаддам келган эдим. Бироқ бугунги мустақил Ўзбекистоннинг ҳаёти, халқингизнинг юксак руҳи ва бунёдкорлик салоҳияти барчани ҳайратга солмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Республика пул-кредит сиёсати комиссияси мажлисида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йилнинг 11 чорагида нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси кўрсаткичлари тўғрисида», «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001—2005 йилларга мўлжалланган дастур»да ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул эмиссияси даражасини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури»да қўйилган вазифаларнинг бажарилиши каби масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Марказий банк раиси, мазкур комиссия раиси Файзулла Муллажонов бошқарди.

Мажлисда қайд этилдики, 2002 йилнинг ўтган даврида мамлакатимизда пул тизими янада мустаҳкамланди, нақд пул эмиссиясига умуман йўл қўйилмади, аксинча муомаладан нақд пул олишга эришилди. Шунингдек, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ҳам муомаладан нақд пул олишга эришилди.

Шу билан бирга республикамизнинг айрим минтақаларида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида маҳаллий бозорларни зарур халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш, пулли хизматлар турларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш борасидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётганлиги оқибатида ҳамон нақд пул эмиссиясига йўл қўйилаётганлиги қайд этилди. Мажлисда мазкур ҳудудлар пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Уларнинг зиммасига барча шаҳар ва туманларда нақд пул эмиссияси даражасини босқичма-босқич камайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, бунинг учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тегишли қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан 2002 йил 11 апрелда тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул эмиссияси даражасини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури» талабларини оғишмай бажариш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, мажлисда Хоразм вилояти пул-кредит сиёсати комиссиясининг Вазирлар Маҳкамасининг нақд пул эмиссиясини қисқартириш доир қарорлари ҳамда «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

Мажлисда Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари — ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссия раиси М. Шариповга комиссиянинг ҳисобот давридаги иш фаолияти етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Унинг зиммасига комиссия фаолиятини тубдан қайта қуриш, юқорида қайд этилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, айбдор раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳудудий комиссия мажлисида алоҳида кўриб чиқиш, бу борада талабчанликни янада ошириш вазифаси топширилди.

Шунингдек, мажлисда Андижон вилоятида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001—2005 йилларга мўлжалланган дастур»нинг бажарилиши ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Вилоят ҳокими ўринбосари — ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссияси раҳбари Э. Тожибоевга мазкур дастурда қўйилган айрим вазифаларнинг вилоят миқёсида етарли даражада ижро этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

● ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД ТАНТАНАСИ

## ЖАСОРАТГА УНДАСИН ОНТИНГ!

Подполковник О. Камолов бошчилигидаги ўқув йиғини ёш аскарлари яқинда Ватанга, Президентга, халқига содиқлик ҳақида Қасамёд қабул қилишди. Албатта, мазкур тантана доимо ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлади. Аскар ҳаяжони ота-оналарда-да яққол сезилиб турибди. Ота: «Қара онаси, ўғлингнинг кўкрак кериб туришини қара. Ҳарбий либос уни янада салобатли, ўктам қилиб кўрсатаяпти». Она: «Ҳа, ишқилиб бурчини ҳалол ўтаб, эл-юрт олдида юзимизни ёруғ қилсин». Ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантанасига келишган барча ота-оналар кўнглидан ана шундайин ният, тилаклар ўтаётганини уларнинг кўзларидан, юзларидан англаб олиш қийин эмас.

Қасамёд қабул қилиб бўлингач, посбонларни шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Ҳошимов, аскарлар ота-оналари номидан Қуролли Кучлари хизматчиси Л. Симонян, Б. Сарибоев, М. Маҳмудовлар муборакбод этишди. Юртига содиқликдан онт ичган ёш аскар Ф. Деҳқонов эса ўз навбатида билдирилаётган юксак ишончни шараф билан оқлашларига сафдошлари номидан сўз берди.

Дийдорлашув онларини таърифлашга сўз тополмайсан. Аскарни бу қутлуғ кун билан муборакбод этишга ҳатто кекса бувиларию боболари-да келишган. Улардан бири Фарғонанинг Тошлоқ туманидан келган 72 ёшли Каромат ая Мамажонова. «Неварам Ҳикматиллонинг аскарлик ҳаётини, ана шундайин унутилмас тантанасини кўриш учун келдим. Омон бўлгурлар, ҳарбий либос кийгач, бари бир-бирига ўхшаб қоларкан. Аслида ҳам бари невараларим. Илоҳим, юртни мардонавор ҳимоя қилиб, ёруғ юз билан бағримизга қайтишсин», дейди у дуога қўл очиб. Сал нарироқда яна бир нуроний онахоннинг набирасини бағрига босаётганини кўрамиз. Бу (**суратда**) Самарқанднинг Каттақўрғонидан келган 74 ёшли Моҳор ая Ўтанова. Андижонлик Жумагул ая Юсупованинг ўғли, куёви—офицер. Бугун яна бир ўғли ҳарбийлар қаторига қўшилиб, Қасамёдни қабул қилди. «Зоҳиджон ҳам акаси, поччасидек офицер бўлишга аҳд қилган. Бугун унинг ҳарбийлик йўлидаги илк қадами. Ниятига етсин, дея дуолар қиламан», дейди она.

Шу ўринда ушбу ёш аскарлар йиғини, унда олиб борилган машғулотлар ҳақида ҳам бир оз маълумот берсак. Бу ҳақда йиғин бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Ф. Иноғомов қуйидагиларни сўзлади.

— Режа асосида умумҳарбий Низомлар, жиноят кодекси, саф тайёргарликлари ва бошқа машғулотлардан сабоқлар ўтдик. Йиғин давомида катта прапорщик Ш. Ўрмонов, сержант Ў. Ғуломов, М. Ботировлар ёш аскарларга соҳа сир-асрорларини пухта ўргатишди. Ўз навбатида ёш аскарлардан А. Опоқов, Ф. Умаров, Ҳ. Мамажонов, Б. Элмуродовларнинг фаоллигини, сафдошларига ибрат бўлиб келишганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Дарвоқе, йиғин давомида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида турли тадбирлар ҳам ўтказдик. Масалан, маҳалла қўмитаси раиси Абдураҳим Абдусатторов ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими вакили Алишер Ҳожибоевлар иштирокида ўтган тадбир аскарларимизнинг қалбида Ватанга, бурчига муҳаббат ортишида муҳим ўрин тутди.

Туман маданият бўлими санъаткорларининг жозибадор куй-қўшиқлари аскарлар шодиёнасига янада файз олиб кирди. Садоқатдан ичган онтинг доимо мардликка, жасоратга ундасин, аскар йигит!

**Капитан А. САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

**А. АБДУЛЛАЕВ**
суратга олган.

## Йиғин бўлиб ўтди

Нукус гарнизони офицерлар уйида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қисм ва бўлинмаларининг ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарлари иштирокида икки кунлик йиғин бўлиб ўтди. Унда сўзга чиқкан Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўмондони подполковник В. Маҳмудов Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ва айни пайтда амалга оширилаётган ишлар бўйича йиғин иштирокчиларига батафсил сўзлаб берди.

Кейин округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Ш. Тўхтаев, округ ҳарбий прокурорининг ўринбосари подполковник Е. Ўтарбаев, миллий хавфсизлик хизмати ходими майор А. Иззатов, Нукус гарнизони бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Т. Махамбеталиев, шунингдек, Қорақалпоғистон Давлат университети доцентлари — П. Абдимуратов ҳамда Р. Худайбергенова, Қорақалпоғистон Республикаси «Маънавият ва маърифат маркази» бошлиғи У. Хўжаназаров ва бошқалар сўзга чиқишди.

Шу куни йиғин қатнашчилари офицерлар уйи кутубхонасига ташриф буюришди. Ўтказилган йиғининг иккинчи кунида қишки ўқув мавсуми ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари муҳокама қилиниб, машғулотлар сифатини янада яхшилаш ва олиб бориш йўллари тўғрисида подполковник Ш. Тўхтаев атрофлича гапириб ўтди ҳамда тегишли йўл-йўриқлар кўрсатди.

Йиғин сўнгида ёзги ўқув мавсумига тайёргарлик ишлари ва уни юксак даражада ўтказиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳам сўз юритилиб, тегишли кўрсатмалар берилди, янги вазифалар белгиланди.

**Шартнома бўйича хизмат старшинаси А. АРЗИЕВ.**

## ХИЗМАТИМДАН МАМНУНМАН

Оддий аскар Икромжон Нишонов олий маълумотли бўлса-да, жанговар самолётларга кўрсатиладиган хизмат турлари борасида тасаввурга эга эмас эди. Аммо аскарликда ўтган бир неча ой давомида у капитан Нормамат Раҳмонқулов бошчилигидаги аэродромдан фойдаланиш взводининг аълочи посбонлари қаторидан жой олиб улгурган. Ўз ишининг устаси. Электростанция бошлиғи лавозимида хизмат қилаётган посбон синов машғулотларида барча тайёргарликлар бўйича «аъло» ва «яхши» баҳоларни қўлга киритиб, илғорлигини аллақачон исботлаган.

— Хизматларингиз масъулиятлими? — дея унга синовчан савол бераман. Икромжон «ялт» этиб менга қарайди. Саволимдан ажабланади. Мен учун эса суҳбатдош кўнглидагиларни тўкиб солишига имконият туғилади.

— Албатта, аэродромнинг ёритилиши, учиш йўлакларининг тозалиги, белгиланган талаблар даражасида сақланиши жанговар самолётларнинг учиш ва қўнишини таъминлайдиган муҳим шарт. Агар аэродромдаги чироқлар ишламаса, учиш йўлакларида майда бир тош, темир ёки ёғоч парчаси, қор, муз бўлса, бу жиддий хатоларга олиб келиши мумкин.

Аэродромни ҳар қандай об-ҳаво шароитида намунали ҳолатда сақлашимизда махсус техникалар бизга яқин кўмакдош. Мен ўз сафдошларим билан жуда фахрланаман. Айниқса, Равшан Шамсиддинов, Бобур Комилов, Зокир Жўраев каби оддий аскарлар эришаётган ютуқлардан барча мамнун. Хизматга йўл олганимда отам Розиқжон ака: «Ўғлим, йигитлик бурчингни аъло даражада адо эт. Уканг Улуғбекка Ўрнак бўл. Эртага маҳалла оқсоқолининг ўғли яхши хизмат қилмабди, деган гапни эшитмай», дея насиҳат қилгандилар. Менинг илғорлар сафидан жой олишимда, ушбу қисмда аъло даражада хизмат қилиш, ўқиб-ўрганиш учун яратилган шарт-шароитлар, устоз-командирларнинг ўгитлари, тажрибалари, аскарлар орасидаги ўзаро жипсликнинг аҳамияти катта бўлди. Мақсадим ёзги ўқув мавсумида янада фаол қатнашиб, кейинги имтиҳонларда фақат «аъло» баҳоларни қўлга киритиш. Ана ўшанда ёруғ юз билан уйга бораман.

**Капитан Н. АЗИМОВ.**

## ТАЙЁРГАРЛИККА БОҒЛИҚ

Ёзги ўқув мавсумини юқори натижалар билан якунлаш бугунги тайёргарликлар даражасига ҳам боғлиқ. Мен хизмат қилаётган артиллериячилар қисмида бунга катта эътибор қаратилган. Тўп командири шартнома бўйича хизмат сержанти Шерзод Хўжақуловнинг йўл-йўриқлари, ўгитлари сабаб, мавсумни юксак кайфиятда бошлашга ҳар томонлама ҳозирлик кўраяпмиз. «Янги мавсумда жанговар шайлигимиз янада юқори бўлмоғи, касбий маҳоратимиз ортмоғи керак», дейди бизларга тўп командири. Дарҳақиқат, бунга қатъий амал қилсак, ютуқларга эришишимиз шубҳасиз.

**Оддий аскар**
**И. БОТИРОВ.**

● ОБУНА—2002

## „ВАТАНПАРВАР“ ГАЗЕТАСИ МУШТАРИЙЛАРИГА

**1 майдан республикамизда 2002 йилнинг иккинчи ярми учун даврий нашрларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий нашри «Ватанпарвар» газетасига обуна бошланди.**

**«Ватанпарвар» газетаси республикамиздаги обрўли нашрлардан бири ҳисобланади. Унинг обуна бўйича ва сотувда тарқалаётган нусхаларининг кўпайиб бораётганлиги бунга яққол мисолдир.**

**Газетамиз саҳифаларида Қуролли Кучларимиздаги қисм ва бўлинмалар ҳаёти, жанговар фаолияти ҳар томонлама ёритилади, ҳарбий соҳадаги ислоҳотларнинг асосий босқичларини акс эттирадиган мақолалар чоп этилади, жангчиларни ватанпарварлик, Ватан ҳимоясига ҳозирлик руҳида тарбиялаш ҳақида мунтазам лавҳалар, очерклар эълон қилинади.**

**«Ватанпарвар» газетасидаги чиқишларнинг анчагина қисмида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, маданият, таълим ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларида эришган ютуқлари, халқаро ҳаётдаги муҳим янгиликлар кенг ёритилади. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси—у ҳарбий, ишчи, деҳқон, хизматчи бўлсин, газета саҳифаларидан ўзи учун қизиқарли мақолаларни топади.**

**«Ватанпарвар» газетасига «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг барча бўлинмаларида, шунингдек, бевосита газета нашриётида обуна бўлиш мумкин.**

**Обуна баҳоси ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри учун алоҳида белгиланган. Бу жўнатиш ва етказиб бериш харажатларидаги фарқлар билан боғлиқдир.**

**Тошкент шаҳрида «Ватанпарвар» газетасига обуна баҳоси:**

**абонент қутиларига ага ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва муассасалар учун:**
**3 ойга — 2106 сўм;**
**6 ойга — 4212 сўм.**
**Уй манзилига обуна бўлганда:**
**3 ойга — 2662 сўм;**
**6 ойга — 5304 сўм.**

**«Ватанпарвар» газетасини бевосита нашриётнинг ўзидан олиб кетишни истовчи Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлар (муассасалар) ва шахслар обунани нашриётнинг ўзида расмийлаштиришлари ҳам мумкин.**

**Бу ҳолда обуна баҳоси:**
**3 ойга — 2022 сўм;**
**6 ойга — 4044 сўм.**

**Тошкент вилоятида «Ватанпарвар» газетасига обуна баҳоси:**

**абонент қутиларига эга ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва муассасалар учун:**
**3 ойга — 2793 сўм;**
**6 ойга — 5586 сўм.**
**Нашриёт манзили:**
**Тошкент-31, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.**
**Маълумотлар учун телефон 56-03-46.**

**«Ватанпарвар» газетасининг азиз муштарийлари! Редакциямиз сизнинг аввалги йиллардагидек газетамизга содиқ қолиб, унга 2002 йилнинг иккинчи ярми учун ҳам обуна бўлишингизга ишонади.**

**ТАҲРИРИЯТ.**

## ҚИСМ КОМАНДИРЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БУЙИЧА ЎРИНБОСАРЛАРИ ВА ОБУНА ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ЎЗГАРГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

**Қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ва обуна ташкилотчилари диққатига!**

**«Ватанпарвар» газетаси нашриётга пул ўтказиш йўли билан обуна бўлиш учун почта орқали (ёки чопар билан) обуна бўлимига буюртма (2 нусхада) жўнатилади. Унда нусхалар сони, обуна муддати, тўлов миқдори кўрсатилади. Буюртма қисм командири, молия хизмати бошлиғи томонидан қўл қўйилган, қисм гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак. Шунингдек, буюртма билан бирга абонементлар ва етказиб бериш варақалари (СП-1 формаси), пул ўтказилганлиги ҳақидаги банк ҳужжати нусхаси ҳам жўнатилади. Етказиб бериш варақасида қисмнинг аниқ манзили кўрсатилиши шарт.**

**Обуна бўйича ҳисоб-китоблар**
**Ҳисоб рақами: 20210000200447951001**
**МФО — 00425.**
**ДА «ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»НИНГ ШАҲАР БЎЛИМИ:**
**Идентификация рақами: 201088604 орқали амалга оширилади.**
**Бизнинг манзилимиз:**
**700031, Тошкент-31, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.**

**«Ватанпарвар» нашриёти, Обуна бўлими.**

**Ҳар бир вилоятда алоҳида белгиланган обуна баҳоси тўғрисидаги маълумотларни ҳарбий қисмларга хизмат кўрсатаётган маҳаллий почта бўлимларидан олиш мумкин.**

**ОБУНА БЎЛИМИ.**

## ПЛАНЕТЫ УЛЬС

Подавляющее большинство россиян — 86% — убеждено в необходимости создания в стране детской организации вроде пионерской. Лишь 9% респондентов считают такой шаг нецелесообразным, остальные 5% затруднились высказать свое мнение по этому вопросу. Об этом свидетельствуют данные, предоставленные Всероссийским центром изучения общественного мнения. Они были получены в ходе представительного экспресс-опроса 1600 россиян, проведенного в конце апреля.

***

Вице-президент США Дик Чейни признал в воскресенье, что палестинский лидер Ясир Арафат не может прекратить все теракты, осуществляемые террористами-смертниками.

«Я думаю, что есть класс терактов, которые он не может сдерживать», — заявил Чейни.

***

Исламское информационное агентство «Ансаар ньюс», штаб-квартира которого находится в Британии, в воскресенье продемонстрировало новую пленку с международным террористом № 1 Усамой бен Ладеном. На 100-секундной пленке Бен Ладен в камуфлированной форме сидит под деревом на фоне каменного здания и обращается к своим сторонникам.

По словам журналиста этого агентства Имрана Хана, эта небольшая запись является частью 40-минутного фильма, который агентство заполучило в Пакистане месяц назад. В фильм, в частности, входит интервью Бен Ладена с репортером катарского спутникового телеканала «Аль-Джазира», в котором террорист предупреждает США о возможном нападении террористов.

***

Президент Финляндии Тарья Халонен, находящаяся в Санкт-Петербурге с частным визитом, посетила социально-реабилитационный центр для беспризорных детей «Альмус» в Невском районе. Как сообщили в окружении президента Финляндии, впервые этот приют она посещала в ранге министра иностранных дел.

Социально-реабилитационный центр «Альмус» является старейшим из подобных шести приютов Петербурга.

***

Посол США в Албании Джозеф Лимпрехт скончался в воскресенье от сердечного приступа в ходе официального визита на север страны. Как сообщили представители албанских властей, он почувствовал сильную боль в груди и упал.

Бригады медиков, прибывшие в район на вертолете, не смогли спасти его. Узнав о случившемся, в район прибыл премьер-министр Албании Пандели Майко.

«Потеря его в последний месяц действия мандата, при том, что свои обязанности он выполнял с компетенцией и преданностью, это особо тяжелый удар», — говорится в заявлении президента Албании Реджела Мейдани.

56-летний Лимпрехт должен был вскоре покинуть Албанию после трех лет действия мандата посла.

***

Начальник управления ГИБДД Владивостока (Приморский край) подполковник Александр Лысенко, который в пятницу во время рыбацкого пикета ударил женщину с ребенком, отстранен от занимаемой должности. Об этом сообщил утром в понедельник информированный источник в УВД Приморского края.

Вместе с тем, источник отметил, что по центральным телеканалам «данный инцидент был показан однобоко», поскольку перед тем, как Лысенко напал на пикетчицу, она несколько раз наносила ему удары сумкой. Это, подчеркнул источник, зафиксировано на видеопленке, снятой во время пикета оператором УВД.

***

Десятки жителей были эвакуированы из четырех маленьких городов близ мексиканского вулкана Колима. Как сообщил офицер службы гражданской безопасности штата Халиско Герман Пинто Ачевес, вулкан Колима находится на границе Халиско и Колимы.

Около 70 жителей были эвакуированы из городов Хуан Барраган, Эль-Агостадеро, Эль-Борбольон и Лос-Мачос.

***

На парламентских выборах в Ирландии, по предварительным результатам, победили премьер-министр Берти Ахем и его партия «Финна Фол». Партия «Шинн Фейн» выиграла по меньшей мере пять парламентских мест. В то же время лидер оппозиционной партии «Фине Гал» Майкл Нунан подал в отставку.

«Это очень, очень плохой день для «Фине Гал». Все превзошло наши самые плохие ожидания и самые большие страхи», — сказал 59-летний Нунан.

***

Экстремистская группировка «Народный фронт освобождения Палестины» (НФОП) взяла на себя ответственность за теракт, совершенный палестинским камикадзе в Нетанье. В заявлении НФОП говорится: «Один из наших активистов проник в сердце Израиля, несмотря на военную операцию, проведенную израильтянами на западном берегу реки Иордан». Представители НФОП также заявили, что не хотят иметь ничего общего с руководством ПНА, осудившим теракт, жертвами которого стали три человека.

**(По страницам Интернета).**

● ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ

# БУГУН КУРСАНТ — ЭРТАГА ПРОФЕССИОНАЛ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйи олдидан Қуролли Кучларимизда бир муҳим воқеа содир бўлганди. Яъни, профессионалларни тайёрлаш маскани — сержантлар тайёрлаш мактабига асос солинганди. Мана, ўша тарихий воқеага ҳам бир йил тўлаяпти. Ўтган вақт давомида сержантлар тайёрлаш мактаблари Қуролли Кучларимиз учун кўплаб мутахассисларни етиштириб берди. Келинг, яхшиси умумий гаплардан кўра битта сержантлар тайёрлаш мактаби мисолида бу янгиликнинг самарасини таҳлил қилайлик.

2001 йилнинг 1 июли хотирамдан ҳеч кўтарилмайди. Негаки, ана шу кун Қуролли Кучларимизда биринчилар қаторида Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактаби очилди. Очилиш тантанасида Мудофаа вазири Қодир Ғуломов қатнашиб, нутқ сўзлагани эсимда: «Сержантлар армиянинг мустаҳкам негизи, ҳарбий ва фуқаро ёшлар учун юксак ҳарбий ҳамда умумий маданиятнинг намунаси, тайёргарлик ва тарбия ишида офицерларнинг биринчи ёрдамчиси, аскарларнинг бош устози бўлиши керак». Хўш, билдирилган бундай юксак ишонч қай даражада оқланаяпти? Келинг, бунга айнан Самарқанддаги ўша маскандан жавоб излайлик. Яқинда бу ўқув даргоҳидан иккинчи бора профессионалар учирма қилинганини эслатиб ўтсам.

Битирувдан бир кун олдин кичик командирлар билан хайрлашув кечаси ўтказилди. Мактаб бошлиғининг таъкидлашича, Американинг сержантлар мактабларида шунақа анъана бор экан. Хуллас, хайрлашув кечасида яхши ўқиган курсантлар, тажрибали тарбиячи офицерлар тақдирланишди. Курсантлик ҳаётидаги энг қизиқ воқеалар эсга олиниб, ўйин-кулгу бўлди.

Энди давлат имтиҳонларидан олдинги жараёнга қайтсак. Курсантлар олган билимларини амалиётда исботлашлари керак эди. Бўлғуси профессионаллар даст-лаб 12 километрлик масофага югуриб боришиб, жисмоний жиҳатдан тайёргарликларини намоён этишди. Шундан сўнг дала шароитида ўқув майдончасида курсантлар ўз ихтисосликлари бўйича кўргазмали услубий машғулотлар ўта бошладилар. Эътиборли томони шундаки, курсант мазкур машғулотда ўқитувчи офицер ролини ўйнаб, сафдошларига дарс ўтади, саволларга жавоб беради. Мухандислик, алоқа, артиллерия, таъминот, тиббиёт бўйича ўтилган ана шундай машғулотлардан кузатувчи офицерларнинг ҳам кўнгиллари тўлди. Фақат назарий эмас, амалий чиқишлар ҳам бўлгани диққатга сазовор.

Дейлик, муҳандис-сапёрлар ўтлар орасига кўмиб қўйилган минани топиши, уни зарарсизлантириши лозим. Ёки бўлмаса таъминот соҳасидаги курсантлар дала шароитида овқат тайёрлашнинг ўзига хос янги қирраларини кўрсатиб беришди. Дейлик, тоғ шароитида жанг бормоқда. Душман сезмаслиги учун дала ошхонасини ишончли тарзда маскировка қилиш зарур. Буни уддалашди, шунқорлар. Аммо бу ҳаммаси эмас. Режага кўра олдинда курсантларни янада мураккаб машқлар кутаётганди. Яъни, тоғ шароитида жанговар вазифалар.

Шартли душман кириши эҳтимол тутилган нуқталарга блок-постлар қўйилди. Ҳар бир ғор, дара бу ҳудудларда эътибордан четда қолмади. Ниҳоят, навбатдаги тезкор-жанговар вазифа — шартли душманни ўраб олиш ҳақида буйруқ берилди. Курсантларнинг хаттиҳаракатлари шу қадар табиий эдики, гўё ҳақиқий жангда ҳаракат қилаётган, дейсиз. Аммо душман ҳам маккор. Тезда ғорга яшириниб олди. Навбат разведкачиларга келди. Эҳтиёткорлик билан, аниқ ҳаракат қилган посбонлар шартли душман «уя»сини аниқлаб, уни тор-мор қилдилар.

Бироқ ҳали жанговар вазифа охиригача уддаланганги йўқ. Уларни тезоқар дарёдан кечув, тоғдан арқон ёрдамида ярадорларни эвакуация қилишдек масъулиятли вазифалар кутмоқда. Бу машқларни назарий жиҳатдан пухта эгаллашган разведкачилар гуруҳи амалда ҳам ўз сўзларини айта олишди. Буни хамирдан қил суғургандек осон бўлди, дея олмаймиз.

Масалан, тоғдан арқон ёрдамида пастга тушаётганда қўққисдан шартли душман дахл қилиб қолди. Моҳир разведкачиларимиз эса арқон ёрдамида тоғдан пастга тушишдек мураккаб вазифани бажариб туриб ҳам душманга зарба беришни қойиллатишди. «Баракалла, шунқорларим», дея олқишлади шунда уларни мактаб бошлиғи полковник С. Солиҳов.

Энди навбат қуруқликдаги жангга. Шартли душман ҳужум қилмоқда. Мудофаа қилиш усулларини пухта эгаллашган курсантлар окопдан туриб, жавоб зарбасини беришаётир. Жангни кузатиб туриб, унинг тактикасини курсантларнинг ўзлари белгилаган. Яъни, бунда гранатомётчи, пулемётчи, автоматчи қаерда туриши ва қандай зарба бериши муҳим. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир мутахассис ўз позициясида. Шу боис ҳам шартли душман қўшинларимиз мудофаасини ёриб ўтолмади. Жанг талафотсиз бўлмайди, албатта. Тезда тиббий хизматчилар ярадорларга дала шароитида биринчи ёрдам кўрсатишди. Хуллас, бўлғуси профессионалларимиз давлат имтиҳонларидан олдин ана шундай тарзда дала имтиҳонларидан ўтишади.

Юксак даражада билим, тажрибага эга бўлган офицер Солиҳовнинг шогирдлари давлат имтиҳонларида ҳам ишончли оқлашди. Кичик командирлардан 40 нафари имтиёзли диплом олгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Агар рақамларни фоизларга айлантирадиган бўлсак, Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактабини яқинда тугатишган профессионалларнинг қариб 40 фоизи аъло ва яхши баҳоларга эга бўлишганини англаймиз. Бунинг замирида мактабга қабул қилишдаги танловнинг сифатли амалга оширилаётгани ётади.

Демак, орадан ўтиб бораётган бир йил Қуролли Кучларимиздаги бу янгиликнинг самара бераётганини кўрсатиб турибди. Ишонч билан айта оламизки, сержантлар тайёрлаш мактабини битириб, сафларга қўшилаётган ўғлонларимиз профессионал армияга хос талабни, унинг юкини кўтара олишади.

**Капитан А. САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● ОПЫТ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ

# ПУТЬ К СЕРДЦУ СОЛДАТА

**В комнате общественно-политической информации взвода над листами бумаги склонились солдаты. Пишут письма родителям, друзьям, знакомым. Только один из них сидит задумчивый, грустный, смотрит в одну точку. Держит в руках ручку, а перед ним на столе — чистый лист бумаги. Кроме «Здравствуйте, папа и мама...», воин ничего не написал.**

Заместитель командира взвода по воспитательной работе лейтенант Шахриер Сафаев хорошо знает солдата. Не все у него идет гладко по службе. Не раз делал ему замечания. Не раз беседовал. Но особых сдвигов в поведении пока не наблюдается.

«А может, это уже и есть сдвиг в лучшую сторону, — подумал офицер, подходя к солдату. — Вот ведь задумался. Возможно, размышляет о себе, своем отношении к службе...».

— Не знаете, о чем писать? — спросил он.

— Да, хорошего мало. А о плохом писать не хочется.

— А вы напишите в общем. Служба, мол, идет нормально. На здоровье не жалуюсь. Родители будут рады. И я от своего имени напишу несколько слов...

Солдат покраснел, склонившись над листом бумаги. Не буду дальше пересказывать эту историю. В практике молодого офицера-воспитателя подобные ситуации уже возникали. И всякий раз, что очень важно, заканчивались положительно.

Лейтенант Ш. Сафаев умело использует в воспитании воинов такую форму работы, как переписка с родителями. Именно благодаря ей рядовой Эркин Хасанов, да и другие солдаты, стали на путь исправления, начали хорошо служить, показывая пример во многих делах и начинаниях.

Опыт работы лейтенанта Ш. Сафаева показывает, что успех в обучении и воспитании личного состава определяется его умением учитывать индивидуальные особенности воинов, выбирать соответствующие формы, методы и приемы воздействия на них. В этом ему, недавнему выпускнику СВВАКИУ, помогает анкетирование, которое он проводит сам по различным проблемам, волнующим армейскую молодежь.

Ответы на вопросы анкет дают возможность офицеру-воспитателю формировать и развивать положительные стороны военнослужащих, помогать им быстрее избавляться от недостатков, подтягивать отстающих до уровня передовиков. Изучение слабых и сильных сторон солдат помогает ему найти верный путь к их сердцам.

— Лейтенант Шахриер Сафаев хорошо понимает, что успех индивидуальной работы с личным составом зависит от соблюдения ряда условий, — рассказывает заместитель командира батальона по воспитательной работе майор Ф. Тиллаев. — И прежде всего от индивидуальных особенностей воинов. Он знает их семейное положение, уровень политического развития и сознательности, интересы каждого, степень развития таких качеств, как честность, правдивость, чувство дружбы и товарищества, память и внимательность, сообразительность и инициативность, умение преодолевать трудности. Ему знакомы желания, духовные потребности и увлечения солдат, состояние их здоровья и физической подготовленности. Словом, молодому офицеру до всего есть дело, он вникает во все мелочи.

— На практике убедился, — говорит Шахриер, — что индивидуальная работа — наиболее сложный вид воздействия на личный состав. Ее трудно спланировать и учесть. Применяю различные, проверенные жизнью формы, методы и приемы: убеждение, поощрение, персональные поручения и задания, шефство и помощь в учебе, гласность в оценке результатов, создание общественного мнения, моральное стимулирование и другие. Особое внимание уделяю тем солдатам, за которыми замечались случаи недисциплинированности, нерадивого отношения к выполнению служебных обязанностей. Вместе с командиром совместными усилиями намечаем пути индивидуального педагогического воздействия на таких военнослужащих, добиваемся их образцовой службы, неуклонного соблюдения ими требований уставов.

Умело и систематически ведет индивидуальную работу лейтенант Ш. Сафаев. И всегда на первый план выступают такие его качества, как доброжелательность, выдержка, такт, сочетающиеся с требовательным и принципиальным отношением к подчиненным. Много значит и его умение создать обстановку откровенности и взаимного доверия, в которой человек раскрывается полнее, высказывает все, что его волнует. Такое отношение к делу офицера-воспитателя помогает личному составу успешно решать учебно-боевые задачи, укреплять в подразделении уставной порядок и дисциплину, добиваться новых высот в соревновании.

**С. БУДАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

**Ҳадемай ёзги ўқув мавсуми бошланади. Янги мавсум жанговар шайлик суръатини янада кўтаришни, касбий маҳоратни оширишни талаб қилади, посбондан. Буни яхши англаган шартнома бўйича хизмат сержанти Латиф Шомирзаевнинг тайёргарлиги юқори. Самарқандлик бу посбон ўзининг асл профессионал эканлигини исботлаб, жанговар ютуқларнинг юксак марраларини эгаллашни мақсад қилган.**

**К. ТУРАЕВ** суратга олган.

## ТИНИБ-ТИНЧИМАС ЙИГИТ

Навоий вилоятининг Кармана туманида ўсиб-улғайган оддий аскар Бахтиёр Асадов тиниб-тинчимас, изланувчан аскарлардан. У назарий ва амалий машғулотларга жуда масъулият билан ёндашади, тайёргарлик кўради. Айнан шунинг учун ҳам аълочи аскарлар сафидан ўрин олган.

— Мотоўқчилар қисмида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганимга ҳам бир йилдан ошаяпти. Ҳозирда хизматнинг қонун-қоидалари, ҳарбий низомлар талаблари ёд бўлиб кетган. Дастлаб ҳатто кун тартибига мослашишга ҳам қийналганман,— дейди Бахтиёр хизматдаги илк давларини эслаб.—Ўша пайтда менга лейтенант Алишер Аҳамов ва бошқа устозларимнинг маслаҳат ва ёрдами катта бўлган. Хизматнинг илк қийинчиликларини қунт ва сабот билан енгган аскар, кейинги довонларни ҳам албатта забт эта олади. Бугунги кунда мен ва дўстларим оддий аскарлар — Муҳиддин Полвонов ҳамда Нодир Ҳожиевлар ёш аскарларга ўзимиз эгаллаган дастлабки кўникма ва тажрибаларни ўргатишга ҳаракат қилаяпмиз.

Қалбида хизматга юксак иштиёқ ва устоз офицерлардан миннатдорчилик туйғуси балқиб турган оддий аскар Бахтиёр Асадовнинг навбатдаги синовда ҳам ташаббусни қўлдан бермаслиги аниқ.

**З. ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

## ҲАР ДАҚИҚА БЕБАҲО

Взвод катта техниги прапоршчик А. Даминов ёзги мавсум ўқув машғулотларига пухта тайёргарлик кўрар экан, айниқса, ёш посбонлар билан шуғулланишга алоҳида эътибор қаратаётир. Эндигина ҳарбий форма кийган ёшларнинг армиягача қандай мутахассисликка эга бўлганликларини билиш билан бирга, яқин келажакда аскарнинг имконияти, қобилияти, интилувчанлиги чамалаб кўрилиб, ҳарбий техника бириктирилаётганда ана шу омиллар ҳам инобатга олиниши назарда тутилмоқда.

Ўз ўрнида, взвод шахсий таркиби ҳам ҳар бир ўқув соатларининг қадрига етиб, имкон даражасида унумли фойдаланишга интиляптилар. Жумладан, катта техник прапоршчик А. Даминов етакчилигида аскару сержантлар ҳайдовчилик машқига юқори масъулият билан тайёргарлик кўрдилар. Бунда ҳайдовчи-механиклар кичик сержант У. Қурбонов, оддий аскар И. Алякбаров каби моҳир мутахассис посбонлар алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Жанговар техникаларнинг доимо созлигига эришмоқлик учун ҳарбий ҳайдовчи нафақат машинани моҳирлик билан бошқара олиши, шунингдек, техникани таъмирлай билиши ҳам лозим. Посбонларнинг техник малакаларини муттасил ошириб боришда кичик командирлар, айниқса, катта кўмак бераяптилар.

**Кичик лейтенант**
**М. ҲАСАНОВ.**

## Военно-политические новости

### ПАТРУЛИРОВАНИЕ ЗАВЕРШЕНО

Военные летчики из 12 стран НАТО завершили патрулирование воздушного пространства США, осуществляемое в рамках операции «Благородный орел» после терактов 11 сентября. Личную благодарность пилотам, которые на время операции базировались на авиабазе в Оклахоме, выразил президент США Джордж Буш, подчеркнувший значимость этого патрулирования.

Операция «Благородный орел» продолжалась в течение 220 дней.

### МАНДАТ ПРОДЛЕН

Совет безопасности Японии продлил мандат сил самообороны страны, участвующих в антитеррористической операции в Центральной Азии, на шесть месяцев. В настоящее время в Аравийском море находятся два японских эсминца с 700 военнослужащими на борту.

По решению Совета японские миротворцы останутся в Восточном Тиморе, независимость которого будет провозглашена 20 мая, до 20 августа 2003 года.

### В ТРИ ЭТАПА

Американские инструкторы, занимающиеся обучением и переподготовкой грузинских военных, пробудут в Грузии в общей сложности 21 месяц. Об этом сообщил журналистам руководитель американской миссии обучения и переподготовки в Грузии Роберт Уолтемейер. По его словам, первый этап операции по подготовке грузинских военных начался 30 апреля 2002 года, когда в Тбилиси прибыло около 20 американских специалистов.

27 мая в Тбилиси прибудет основная группа американских военных инструкторов. Их будет около 70 человек, и с их прибытием начнется вторая фаза операции. Эта фаза продлится 70 дней.

С завершением этой фазы начнется третий этап, который уже будет проходить «в поле».

### В НАТО НЕ СОБИРАЕТСЯ

Владимир Путин вновь заявил, что Россия не собирается вступать в НАТО. Отвечая на вопросы журналистов в перерыве встречи в Сочи с президентом Украины, президент России напомнил, что Россия ведет «очень конструктивный диалог» с Североатлантическим альянсом по созданию структуры «двадцатки», где каждый будет иметь один голос, и решения по ряду вопросов будут приниматься без предварительных консультаций. В числе этих вопросов Путин назвал борьбу с терроризмом, проведение гуманитарных операций, нераспространение оружия массового уничтожения и некоторые другие. При этом глава российского государства выразил уверенность в том, что «от процесса расширения взаимодействия с НАТО Украина не будет в стороне». Путин воздержался от прогнозов относительно вступления Украины в Североатлантический альянс, подчеркнув, что это решение «должна принять сама Украина».

**(По страницам Интернета).**

● ВЕСТИ ИЗ ГАРНИЗОНОВ

## ДОСТОЙНЫЙ КАНДИДАТ

Все меньше времени остается до начала вступительных экзаменов в высшие военные учебные заведения Республики Узбекистан, и все больше достойных молодых парней готовятся к сдаче экзаменов на право надеть курсантские погоны.

Среди них и старший сержант Хайдар Гайбдуллаев, проходящий службу по контракту в Бухарском гарнизоне. Четыре года назад он был призван на срочную службу, окончил учебное подразделение, был командиром орудия, носил голубой берет воина-десантника. В 2000 году остался на сверхсрочную, затем поменял гарнизон, стал командиром минометного расчета, но с мечтой стать офицером армии независимого Узбекистана так и не расстался.

Командование охотно поддержало рапорт Хайдара, ведь он единственный из сержантов-контрактников в части, кто за примерную службу удостоен памятного знака «10 лет Вооруженным Силам Республики Узбекистан».

**Подполковник**
**В. КАЛОШИН.**

● АЛЬТЕРНАТИВНОЙ СЛУЖБЕ В УЗБЕКИСТАНЕ — 10 ЛЕТ

# Успешное становление

**Первое временное положение об альтернативной службе было принято в Республике Узбекистан в феврале 1992 года. Согл сно ему часть вернувшихся на Родину после обретения Узбекистаном независимости военнослужащих срочной службы была передана на альтернативную службу до увольнения в запас. Этим же положением часть молодежи, призванная весной 1992 года, также была определена на альтернативную службу, в основном — по семейным обстоятельствам.**

Итак, первым среди стран СНГ наше государство практически начало предоставлять своим гражданам возможность прохождения службы, отличной от срочной. Подготовленный с учетом наработанного опыта и лучших мировых образцов Закон «Об альтернативной службе» был принят сессией Верховного Совета 3 июля 1992 года. Им было определено, что альтернативная служба является особым видом государственной службы, осуществляемой гражданами Узбекистана, связанной с выполнением малоквалифицированных (подсобных) работ или работ, соответствующих квалификации гражданина на предприятиях, в учреждениях и организациях народного хозяйства Республики Узбекистан. Двадцать процентов заработка служащих альтернативной службы отчисляется в бюджет государства.

За прошедшее с тех пор время только в городе Ташкенте альтернативную службу завершили около 40 тысяч юношей. В 1993 году была определена еще одна дополнительная категория призыва — по состоянию здоровья. Поэтому, если в первые годы независимости юноши проходили альтернативную службу на крупных заводах и стройках, то затем их стало гораздо больше в организациях и учреждениях медицины и народного образования, ташкентского хокимята, где они трудятся на более легких работах, соответствующих состоянию их здоровья.

Сформированные после принятия Закона «Об альтернативной службе» органы управления, в том числе и отдел альтернативной службы города Ташкента, совершенствовали свою работу непосредственно в процессе становления. Проверялись на практике существующие законодательные положения, разрабатывались и внедрялись новые инструкции, методы и приемы по руководству альтернативной службой.

Особое место занимали вопросы взаимодействия с предприятиями, учреждениями и организациями социальной защиты служащих альтернативной службы, соблюдения ими трудовой дисциплины, воспитательной работы и привитию молодым людям трудовых навыков. Совершенствовались и отлаживались механизм взаимодействия с районными отделами по делам обороны, вопросы приема на альтернативную службу и постановки на учет после ее окончания. Среди стоявших у истоков альтернативной службы в городе Ташкенте — такие сотрудники отдела, как С. Обухова, Е. Смирнова, В. Леушкин и Ю. Бобров, которые и сегодня продолжают трудиться, отдают много сил и старания для дальнейшего совершенствования прохождения альтернативной службы юношами из Ташкента.

Значение альтернативной службы возрастает с каждым днем. Она позволяет определенным Законом категориям призывников, не проходя срочной военной службы в частях, принести пользу обществу. Кстати, альтернативная служба предусматривает и обучение своих служащих военному делу, а следовательно и подготовку их в качестве воинов запаса. Служащие альтернативной службы проходят сборы, на которых изучают основы военного дела, получают стрелковую подготовку, принимают Военную присягу на верность народу и Президенту Узбекистана.

Сотрудники отдела альтернативной службы города Ташкента прилагают немало труда, чтобы улучшить организацию и управление процессом прохождения альтернативной службы юношами, повседневную воспитательную работу со своими подопечными. Не перечислить всех тех, кто вносит весомый вклад в это нужное нашему государству дело. А. Махмудова и А. Горбовский, Б. Артыкова и Р. Якобсон, М. Башманова и Н. Большакова, М. Хасанова и Г. Закирова — все они добросовестно трудятся на своих участках, обеспечивая неуклонное проведение в жизнь требований Закона «Об альтернативной службе» в столице Узбекистана.

Те, кто прошел или проходит сегодня альтернативную службу, еще не раз будут вспоминать о ней добрым словом. Во-первых, за то, что впервые приступили на ней к трудовой деятельности и имели возможность получить необходимые трудовые навыки, приобщиться к полезному труду. Примечательно, что большинство юношей и по окончании срока службы остается работать на этих предприятиях и в учреждениях. Во-вторых, они вносят весомый вклад в содержание армии. Опыт альтернативной службы в Узбекистане показал ее эффективность и необходимость в условиях строительства правового, демократического, независимого государства, огромные перспективы и возможности по ее дальнейшему развитию и совершенствованию.

**Ш. ШАРИПОВ,**
**начальник отдела альтернативной службы г. Ташкента.**

## ЖАМОА ФАХРИ

Умиджон ўрта мактабни тамомлагач, Фарғонадаги ҳунар-техника лицейига ўқишга кирди. Бу ерда алоқа ускуналарини созлаш сирсиноатларини изчил ўрганди, шунингдек, жисмоний машғулотлар билан ҳам жиддий шуғулланди. Чақириқ қоғози келгач, ота-онасининг оқ фотиҳасини олиб, тенгқур дўстлари қатори хизматга жўнади. Ҳарбий Қасамёд қабул қилиб, ўз йигитлик бурчини шараф-ла адо этишга астойдил киришди.

Орадан ярим йил ўтди. Шу давр мобайнида у бор куч ва имкониятларини ишга солиб, муваффақиятлар сари интилди. Ҳарб илмини қунт билан эгаллаб, армия ҳаётининг барча жабҳасида намунали хизмат қилишга қатъий бел боғлади.

Жумладан, спортни севгани туфайли у дам олиш кунлари ўтказиладиган беллашувларда ҳам бажонудил қатнашиб келаётир. Хусусан, эркин курашнинг позик томонларини ўрганишга алоҳида эътибор беради. Ҳатто, маҳаллий ҳокимчат кубоги учун яқинда ўтказилган мусобақада фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда кичик сержант Умиджон Орапов жамоада моҳир алоқачи сифатида кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Чунончи у ўзига ишониб топширилган ҳарбий алоқа воситаларини доимо намунали, шай ҳолатда сақлашга катта эътибор қаратади. Уларни тез-тез кўрикдан ўтказиб туради. Албатта, бу ишларда унга кичик сержант Одил Тошбоев, оддий аскарлар Аброр Султонов, Қилич Сафаров сингари аълочи сафдошлари яқиндан кўмаклашмоқдалар.

**Кичик лейтенант**
**Ҳ. МИРЗАЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Харбий Техника Янгиликлари

# САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАҒАНДА

Иккинчи жаҳон урушидан бошлаб, АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари (ҲҲК) учувчилари мамлакатнинг ҳарбий-сиёсий раҳбарлиги остида уруш ва можароларни бартараф этишга қаратилган тадбирларнинг деярли барида қатнашиб келмоқда. Ана шу ўтган давр мобайнида АҚШ ҲҲКнинг 10 мингдан зиёд самолёти уриб туширилган. Ёки бўлмаса авария, ҳалокатга учраши натижасида кўплаб самолётлар йўқотилган. Бироқ кўп ҳолларда самолёт экипажи аъзолари ўз ҳаётини сақлаб қолишга эришган. Бунинг сабаби ҲҲКда авиация-қутқарув воситаларининг шаклланганидир. Вьетнамдаги урушда ана шундай вазиятга тушган учувчилар учдан икки қисмининг ҳаёти сақлаб қолишга муваффақ бўлинган. Аниқроғи, ҳалокат тўғрисидаги сигнал олингандан кейин икки соат ичида 75 фоиз учувчи қутқарилган.

Айнан иккинчи жаҳон урушида уриб туширилган, ҳалокатга учраган самолётлар экипажларининг фаолиятини таҳлил қилган АҚШ ҲҲК қўмондонлиги учувчи учун махсус тайёргарлик лозимлигини англаб етди. Натижада 1949 йилда Кэмп-Карсонда (Колорадо штати) ҳалокат маҳали самолётни тарк этишга тайёрлаш маркази ташкил топти. Марказ ҲҲКнинг тирик қолиш учун кураш мактаби, деб ҳам юритилади.

1952 йилда Стид, 1966 йилдан ҳозирги жойи Эрчайлд авиабазасига кўчирилган марказда ҳар йили 6 мингга яқин ҳарбий 7 та турли дастур бўйича тайёрланади. Таъкидлаш жоизки, уларнинг кўпчилиги фавқулодда ҳолатларида ҳаракатланишнинг 17 кунлик курсини ҳам ўташади. Негаки, бу учувчилар, парашютчи-қутқарувчилар, жанговар команда бошқаруви операторлари учун мажбурий дастур ҳисобланади. Мазкур курсдан муваффақиятсиз ўтган ҳарбий хизматчилар парвозга қўйилмайди.

Махсус курс давомида ҳарбийлар дахлсиз авариявий заҳира (ДАЗ) таркибига киручи қутқарув воситаларини ўрганишади. Ҳозирги пайтда ДАЗ комплектлари махсус жилет чўнтакларига жойлаштирилади. Жилет эса ёзги ҳарбий либос устидан кийилади. Бироқ жилетни шундай кийиш лозимки, у парашют очилиш пайти ҳалал бермаслиги керак. Катапульта қилингач ёки парашют билан сакралгач, ДАЗ орқали учувчи сигнал бериши мумкин. Яъни, ДАЗда қўлда ишлатиладиган авариявий радиостанция бор.

Шунингдек, махсус курснинг иккинчи ҳафтасида авария ҳолатларида дала шароитида ҳаракат қилиш услублари ўргатилади. Дейлик, ўт ёқиш, сув ва овқат топиш, турли майда жонзодларга қопқон қуриш кабилар ҳам ўргатилиши кўзда тутилган. Қолаверса, авария пайтида тушган жойига мослашиш, харита ва харитасиз ҳаракат қилиш, олов, фонар, сигналли кўзгу ва бошқа нарсалар билан самолёт ёки вертолётга сигнал бериш тартиби ҳам машқ қилинади.

Икки ҳафта тугаб бўлгач, қолган 3 кунида таҳсил олувчилар «асир»га айланишади. Яъни, махсус жиҳозланган лагерда сўроқ қилиш тартиби, асирликдан қочиш режалари бўйича машғулотлар ўтилади. 1999 йилнинг апрелидан эса курснинг мазкур бўлими дастурдан олиб ташланди. Маълумотларга кўра, бунинг сабаби ушбу билимнинг барча курсантлар учун зарурати йўқлиги билан изоҳланаркан.

Бундан ташқари ҲҲК учувчилари Флорида штати Пенсакл авиабазасида жойлашган ўқув марказида сувда тирик қолиш бўйича кўникмалар олишади. Денгиз авиацияси учувчисининг авариявий қутқарув воситалари сирасига сув ўтмас комбинезон ва қўлқоплар (сув 16° дан паст бўлса, қўлқоп кийилади), индивидуал қутқарув соли (парашют билан тушаётганда автоматик тарзда ёйилади), карбонат ангидрид газли баллончаси бор қутқарув жилети, учувчининг қаерда жойлашганини топишга мўлжалланган кўк рангдаги флюоресцент бўёғи солинган пакет, бир литрга яқин ичимлик суви киради.

Бундан ташқари, парашютнинг илгак тизимида ЮВЭРС (Юниверсал вотэ эктивейтед релис систем) типидаги қулфлар бўлиб, учувчи сувга тушганидан кейин икки секунд ичида у ишга киришади. Мазкур қулфлар қутқарув жилетини мустаҳкамлаш мақсадида қўйилган бўлиб, учувчи ярадор бўлганида ёки ҳушини йўқотганда автоматик тарзда ишлашга мўлжалланган.

Бу курснинг иккинчи босқичида сувга чўккан вертолётдан ХИИДС (Хеликоптер имэженси игресс систем) типидаги махсус нафас олиш мосламаларини қўллаган ҳолда чиқиш машқ қилинади. 40 литр сиғимга эга баллон нафас олиш автомати билан учувчи жилети чўнтагида бўлади. 6 метргача чуқурликда 2—4 минут давомида ушбу мослама ёрдамида нафас олиш мумкин. Ҳозирда АҚШ ҳарбий денгиз кучлари авиациясига ХАРД русумли вертолётнинг янги авариявий нафас олиш мосламалари татбиқ этилаётир. Унинг оғирлиги 1,13 килограмм, баллон сиғими 42 литр, 10 метргача чуқурликда 15 минутгача нафас олиш мумкин.

Хуллас, учувчиларни ҳаёт учун кураш шароитлари бўйича тайёрлаш АҚШ қуролли кучларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

**Русчадан капитан**
**Ш. ТОЛМАСОВ**
**таржимаси.**

● МУХБИР БОНГ УРАДИ

# КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

Иситмаси ошкор қилади. Бу бор гап. Башарти иситмаси ошкор қилмайдиган хасталик бўлса-чи? Очиғи, мақола аввалидаёқ жумбоқли саволлар билан бошингизни оғритмоқчи эмасдим. Бироқ бир муаммо олдида ўзимнинг ҳам бошим қотиб турган бўлса не қилай?

Офицер Ш. Жумаохунов командирлик қилаётган қисмга бир гуруҳ ёш аскарлар келди. Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш тўғрисидаги қарорида чақирилувчиларнинг лаборатория текширувларидан сифатли ўтказилиши, уларнинг турли ихтиосликдаги юқори малакали врачлар томонидан тиббий текшириб кўрилишига алоҳида эътибор қаратилган. Афсуски, республикамизнинг айрим жойларида мазкур қарор моҳиятини чуқур англаб етишмаган ёки вазифага панжа орасидан қаралган. Акс ҳолда қуйидагидек муаммолар келиб чиқмасди.

Хуллас, биз тилга олаётган ҳарбий жамоага келган ёш аскарлар қисмда тиббий кўрикдан ўтказилганда, улардан айримлари муддатли ҳарбий хизматга яроқсиз, деб топилди. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туман мудофаа ишлар бўлими томонидан Конституциявий бурчини ўташга жўнатилган Абдуҳамид Холбоевнинг ҳужжатларига ана шундай қайдома битилди. Ёки яна бир сурхондарёлик йигит Шокир Каримов (Олтинсой туман мудофаа ишлар бўлими томонидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган)га тиббий текширувдан кейин қўйилган ташхис унинг хизматга яроқсизлигини кўрсатди. Яқинда Термизда сафарда бўлиб қайтган ҳамкасбимизни вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув комиссияси аъзолари кенгашадиган хонага киритишмаган. Ажабо, матбуот ходимларидан пинҳон тутадиган сирлари бормикан? Юқоридаги ҳолатларга қараганда ҳақиқатан ҳам комиссиянинг ўзига хос сири бор экан-да. Андижон вилоятининг Андижон шаҳар мудофаа ишлар бўлимидан йигитлик мактабига келган Азизбек Содиқов ва Қўрғонтепа туман мудофаа ишлар бўлимининг чақирилувчиси Дониёр Абдуваҳобов хизматга яроқсиз деб топилди. Самарқанднинг Пойариқ туман мудофаа ишлар бўлими томонидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Акмал Ташановда ҳам шу аҳвол. Дарвоқе, юқорида номлари тилга олинган чақирилувчиларга қўйилган ташхис деярли бир хил бўлгани учун алоҳида-алоҳида айтиб ўтмадик. Яъни, ташхис — яра касаллиги — 12 бармоқ ичак яраси хасталиги.

Чақирилувчи муддатли ҳарбий хизматга яроқли деб топилишидан олдин туман, вилоят чақирув пунктларида ҳар томонлама кўрикдан ўтмоғи керак-ку! Дейлик, туман чақирув пунктида чақирилувчиларни тиббий кўрикдан сифатли ўтказишга имкон бўлмаса, вилоятда буни ҳал қилса бўлади-ку! Муаммонинг яна бир жумбоқли жиҳати — хизматга яроқсиз деб топилган бу йигитлар барчасининг ҳужжатларида эндоскопик текширувдан ўтишгани, соғлом деб топилгани ҳақида қайдлар борлиги. Ажабо, хасталик қисмга келгунга қадар кўзга кўринмас бўлиб, замонавий тиббий ускуналарни-да чалғитдимикин?

Ҳар ҳолда хизматга яроқсиз йигитнинг хасталиги ўз вақтида аниқланиб, ортга қайтарилди-ку, демоқчимисиз? Аммо орадаги «арзимаган» оворагарчиликни ҳам эсдан чиқармаслик керак-да. Шу оворагарчиликни пулга чақадиган бўлсак, битта хатони деб давлатга қанча зиён етказилди. Масаланинг маънавий жиҳатини эса айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Дейлик, йигит армияга келмасиданоқ хизматга яроқсиз деб қайтарилганда, бунинг таъсир кучи ончалик бўлмасди. Аммо ҳарбий қисмга келиб, уйига қайтиб бориши йигитни маънавий-руҳий жиҳатдан азобга қўйиши мумкин-ку!

Айтганча, рақамлар таҳлил қилинганда, мазкур қисмга келган ёш аскарларнинг қарийб 10 фоизи муддатли ҳарбий хизматга яроқсиз эканлиги аён бўлади. Шу ўринда қисм тиббиёт хизмати ходимларининг ўз вазифаларига виждонан ёндашаётганини ҳам эътироф этмоқ жоиз.

Мана, жумбоқли саволларни ҳам баён қилдик. Энди улар билан тегишли туман мудофаа ишлар бўлимлари, вилоят мудофаа ишлар бошқармалари мутасаддиларининг ҳам боши қотсин. Албатта, улардан бу муаммо юзасидан жавоб кутиб қоламиз.

**Капитан А. САФАРОВ.**
**«Ватанпарвар» мухбири.**



**Ибодандир, ҳаёдандир либоси,**
**Ҳатто Навбаҳорнинг келар ҳаваси.**
**К. ТУРАЕВ** суратга олган.

● МУШТАРИЙ БИЛАН СУҲБАТ

# ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЎЛЧОВИ БОР

**Жорий йилнинг иккинчи ярми учун даврий нашрларга обуна мавсуми ҳам бошланди. Ҳар бир одам ўзи севадиган, қизиқадиган газеталарга обуна бўлади, албатта. Шу билан бирга даврий нашрда истагига монанд мақолалар чоп этилишини кутади. Хўш, бу борада «Ватанпарвар» муштарийларининг фикр-мулоҳазалари қандай?**

— Очиғини айтиб қўяқолай, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши курортлар бошқармасига қарашли «Чинобод» санаториясининг маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси Ваҳобжон Тожиев, — шу вақтгача бирон газетани мунтазам ўқиб бормаганман. Аммо, кейинги вақтларда айрим газеталарда чиқаётган мақолаларга қизиқиб қолдим. Эндиликда ўша газеталарни мунтазам ўқиб бориш ниятидаман. Дейлик, «Оила ва жамият» газетаси анча қизиқарли чиқмоқда. Кейинги пайтларда эса «Ватанпарвар»нинг мухлислари анча кўпайиб қолди.

**— Нима учун?**

— Биласизми, халқимиз қалбида фуқаролик ҳис-кечинмалари кун сайин ўз такомилига етмоқда. Аввали вақтларда мудофаа қудратимиз ончалик кўзга ташланмас эди. Юртимизга кўз олайтириб, сарҳадларимизни бузиб киришга уринган террорчиларни тум-тарақай қилган армиямиз дунё миқёсида обрў қозонди, десам муболаға бўлмас. Айниқса, Юртбошимиз Ислом Каримов террорчиларга қарши курашда Америка Қўшма Штатлари ва бир қанча давлатлар билан ҳамкорлик қилаётгани таҳсинга лойиқ. Бу гаплар тарихий ҳодиса ҳисобланади. Шу ниҳоятда қизиқарли мавзудаги мақолаларни «Ватанпарвар»да ўқиб борамиз-да.

Мен бу гапим билан барча баробар шу газетани мутолаа қилади, демоқчимасман. Тўғри, «Ватанпарвар» деган газета борлигини билмайдиган кишилар ҳам бор. Бу уларнинг нуқсони эмас. Негаки, ҳарбийлар нашри киоскаларга кам нусхада чиқади. Яна рекламаси йўқ ҳисоби. Агарда санаториямизда «Ватанпарвар» кунлари ўтказилса обуначилар сони янада ошиб кетади, деб ўйлайман.

**— «Ватанпарвар»да чоп этилаётган қайси мавзудаги мақолаларга кўпроқ қизиқасиз?**

— Аввало, ҳар бир йигит киши мустақил армиямизда нималар бўлаётган экан, деб ушбу газетани варақлаб кўради. Негаки, кўпчилигимиз армияда хизмат қилганмиз. Қолаверса, юрагимизнинг бир чеккасида ҳарбийликка ихлос ҳам бор. Шахсан мен ҳарбий жамоаларда ўтказилаётган машқлар, машғулотлар ҳақидаги хабарларни иштиёқ билан ўқийман. Яна спорт, санъат, тарих ҳақидаги мақолалар эътиборимни тортади.

**— Армия ҳаётини эсладингиз...**

— Армия мен учун бир армон бўлиб қолган. Свердловск вилоятининг Нижний Тагил шаҳрида муддатли ҳарбий хизматни ўтаганман. Командирларга манзур бўлдим шекилли, ҳарбий унвонимни катта сержантгача кўтаришди. Ҳатто «армияда қолинг», деган таклифлар ҳам бўлди. Негаки, полк оркестрида солист эдим. Оркестр дирижёрига ёрдамчилик ҳам қилганман. Фақат шулар билангина шуғулланиб қолмаганман. Тактик машғулотларни «аъло» даражада бажариб, Фахрий ёрлиқ олганман. Шунинг учун ҳам ҳарбийлик касбини танлашимга бир баҳя қолувди. Лекин ўша вақтлар шўро даври — 1985 йил эди. Ҳозиргидек истиқлолга эришганимизда миллий армияда хизмат қилишни афзал кўрган бўлур эдим...

**— Мана, мамлакатимизда энг нуфузли саналмиш «Чинобод»да масъул лавозимда ишлаяпсиз. Турли вилоятлардан келган кишилар билан мулоқотда бўласиз. Хўш, улар матбуотда қайси мавзуларда мақола ёритилишини истайдилар?**

— Тўғри айтдингиз. Биз суҳбатлашаётган кишиларнинг сон-саноғи йўқ. Шу баробарида мамлакат ҳаётини аниқ ҳис қилиб турамиз. Энди ҳар бир кишининг ўз ўлчови бор-да. Биринчидан, аксарият кишилар газетада оила мавзуида мақолалар ўқишни исташади. Хўш, нима учун? Чунки, инсон ҳаётининг асосий қисми ўз оиласида ўтади. Турмуш ишқир-чиқирлари дегандек. Айни бозор иқтисодиёти тизими амалда жорий қилинган даврда оила аъзолари билан муроса қилиш осон деб ўйлайсизми? Худди шу вақтда аксарият кишилар газета ўқиб овунадилар. Ўзгалар дардини эшитиб шунда хулоса ясайдилар. Иккинчидан эса машҳур кишилар ҳаётига қизиқишади. Масалан, спорт юлдузлари, эстрада юлдузлари ҳаётига доир мақолалар бўлса. Улар қандай яшаётган экан, қабилидаги саволларга кўпчилик жавоб ахтаради-да. Яна бир тоифадагилар миш-мишларга, турли-туман латифаларга қизиқади. Ҳар кимнинг таъби турлича. Бу мавзуларни ватанпарварликка, ҳарбийликка боғлаб ёритиш ҳам мумкин.

**— Шахсан ўзингиз қайси мавзуда мақола ўқишни истайсиз?**

— Мен Шайҳонтоҳур туманида туғилиб ўсганман. Ўша Зулфияхоним, Рамз Бобожон таваллуд топган, ижод қилган маҳаллада. Болалик чоғларимданоқ адабиётга ихлосим баланд. Кўп китоб ўқиганман. Китобга ихлос қўйганлигим боис А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ўқишни маъқул кўрдим. Танлаган касбимдан, ҳозирги ишларимдан норози эмасман. Айтмоқчиманки, адабиёт жони дилим. Шу боис, ёзувчи, шоирлар билан суҳбат уюштирилса, уларнинг сиёҳи қуримаган асарларидан намуналар берилса, қизиқиб ўқиган бўлардим.

**— Тасаввур қилинг-ки, журналистсиз. Ишни нимадан бошлардингиз?**

— Қизиқ савол. Энг аввало, халқ ҳаётини пухта ўрганардим. Менимча, айни вақтда журналистлар одамлар билан кам мулоқотга киришадилар. Турли касб эгалари: армия хизматчисими, ўқитувчи, олим ёки тижоратчи, фаррош, учувчи... Ишидан, амалидан қатъи назар, ҳеч эринмай суҳбатлашмоқ керак. Шундагина асл мақола шаклланади. Шундай журналистлар борки, айтилган гапларга пардоз бериб, расмий тусга киритишади. Кейин нима бўлади? Одамларга ёқмайди. Тўғри, ким нима деса барини газетага чиқариш мумкин эмас. Лекин, барибир ёзилган нарса жонли ҳаётга монанд келиши керак-да. Мен шундай деб ўйлайман...

Ваҳобжон ака билан суҳбатимиз узоқ чўзилди. У амалга ошираётган ишлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Мазкур санаторияда ҳордиқ чиқарувчилар ҳеч зерикмас эканлар. Турли-туман тадбирлар ўтказилади. Корпуслараро конкурслар ниҳоятда қизиқарли кечар экан. Одамнинг сира кетгиси келмайди «Чинобод»дан. Номига яраша чин обод экан бу оромгоҳ. Суҳбат охирида Ваҳобжон ака «Ватанпарвар» журналистлари бир келса, газетхонлар билан мулоқот кечаси ўтказардик», деди.

**Куролли Кучлар хизматчиси Фарида ТУРСУНҚУЛОВА.**

● ЧЕРЕЗ ГУМАНИЗМ — К МИРУ

# СТАНЬ МИЛОСЕРДНЫМ

**Швейцарец-гуманист Анри Дюнан стал основателем Движения Красного Креста и Красного Полумесяца, воочию столкнувшись во второй половине XIX века с ужасами войны. Он стал невольным свидетелем мучений тысяч раненых воинов, обреченных на смерть из-за отсутствия медицинской помощи. Об увиденном и пережитом он написал книгу «Воспоминания о битве при Сольферино», рассказав по сути всему человечеству, что любая война — это зло, несущее смерть, разруху, гибель, в том числе и невинных жертв. Тогда он и предложил создать добровольное гражданское общество, которое бы помогало раненым и больным воинам. Его идеи были услышаны, и в результате был создан Международный Комитет Красного Креста, положивший начало Международному движению Красного Креста и Красного Полумесяца.**

Стало традицией проводить ежегодно в столичном парке Боги Эрам торжественные мероприятия, посвященные дню рождения А. Дюнана и образованию МККК. Здесь сотрудники Регионального представительства МККК совместно с коллегами из Национального общества Красного Полумесяца Узбекистана проводят акции милосердия.

Не стал исключением и нынешний год. К назначенному времени в парке собрались делегаты Регионального представительства МККК, сотрудники ОКП Узбекистана, делегаты Международной Федерации обществ Красного Креста и Красного Полумесяца, представители министерств народного и высшего и среднего специального образования. Среди гостей были воспитанники детского дома № 30, ветераны войны и труда, волонтеры и много других людей, кто откликнулся на предложение принять участие в проводимой акции.

После торжественного открытия и выступлений в Зеленом театре парка начались торжества. К собравшимся обращались представители МККК, сотрудники ОКП Узбекистана, волонтеры с рассказами об истории Движения. Здесь было размещено немало наглядных материалов, из которых можно было узнать массу полезной информации. Многие плакаты были ярким свидетельством того, что несет с собой война, на какие страдания обрекает она людей, не взирая ни на цвет кожи, ни на возраст. Социальную боль сегодняшнего дня несут в себе наглядные пособия, акцентирующие внимание на не меньших из всех зол — наркомании, СПИДе. Об этом также было много сказано в этот день в парке Боги Эрам.

Но данное мероприятие состояло не только из лекций и бесед. Для его участников (особенно самых младших) были организованы также различные игры и аттракционы. А жажду (этот день был удачно солнечным) помогала утолить прохладная и ободряющая продукция компании, выпускающей любимый напиток детворы «Кока-колу».

Третий раз подряд по случаю Международного дня Красного Креста и Красного Полумесяца проводился также финал конкурса по знаниям Международного гуманитарного права в рамках дополнительного учебного пособия к курсу «Человек и общество». Его участниками стали учащиеся одиннадцатых классов общеобразовательных школ, академических лицеев и профессиональных колледжей.

Надо заметить, что предварительно в каждом районе и каждой области проводились соответствующие этапы этого конкурса. И вот лучшие из лучших — посланцы Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента стали финалистами. Каждый регион страны был представлен одним участником. Но было и новшество в этот раз. В 2001—2002 учебном году МККК начал сотрудничество с пятью военными лицеями нашей страны. В каждое из этих заведений было передано по 200 учебных пособий и соответствующее число методических руководств. Потому стало возможным участие в конкурсе Виталия Иванова из Ургенча, который завоевал это право, став лучшим среди более восьмидесяти претендентов из всех военных лицеев Узбекистана. Забегая вперед, скажу, что он не стал победителем, занял лишь восьмое место. Но проявил при этом настоящий военный характер. Наверное, Чирчикское ВТКИУ, куда намерен поступать Виталий после окончания лицея, приобретет в нем хорошего курсанта, а спустя некоторое время в Вооруженные Силы придет настоящий офицер, который помимо профессиональных будет иметь и прочные знания по Международному гуманитарному праву.

Финал конкурса состоял из двух частей. Сначала участники отвечали на вопросы тестов, а затем доказывали прочность своих знаний членам жюри на своеобразном устном экзамене. Подсчет набранных ребятами и девушками очков собственно и определил победителей.

Ими в этом году стали: Джамиля Нуржанова из школы № 6 Пайарыкского района Самаркандской области (учитель — Людмила Шульга), занявшая первое место; на втором месте — Казимхон Съдуллаев из 64-й средней школы Мирзоулугбекского района города Ташкента (учитель — Вазира Курбанова); на третьем — Хуршидбек Юсупов из гимназии № 1 города Андижана (учитель — Феруза Солиева).

Большой вклад в успешное проведение нынешнего финала конкурса внесли делегат МККК, руководитель образовательных программ Давид Пьер Марке и его коллеги — некоторые из авторов уже названного пособия — Рустам Саидов, Сергей Шорин, Абдухалим Хукумов, а также Сергей Саяпин. Они заслуженно принимали поздравления членов жюри, учителей, чьи ученики старались показать все свои знания. Не удержался от комплимента и победитель первого конкурса, а ныне студент второго курса Университета мировой экономики и дипломатии Хамза Мирзаев.

Не случаен, как оказалось, его жизненный выбор. Он обучается международному праву. Во многом способствовало этому знание предмета, который вот уже несколько лет усваивается учащимися наряду с другими дисциплинами в школах, лицеях и колледжах. Кстати, есть специальные часы, знакомящие обучающихся с Международным гуманитарным правом, в сегодняшних учебных программах высших военных учебных заведений, в том числе и в Академии Вооруженных Сил.

Международный День Красного Креста и Красного Полумесяца завершился интересным и содержательным концертом детских музыкальных коллективов и награждением победителей и участников финала конкурса. А волонтеры национального общества Красного Полумесяца в завершение исполнили патриотические песни, авторами которых сами и являлись.

**Подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.**

**Экономика. Наука. Техника**

## ОДИННАДЦАТАЯ ЗАРАЖЕННАЯ...

Министерство сельского хозяйства Южной Кореи подтвердило в понедельник еще один случай возникновения ящура у свиней. Таким образом, всего зарегистрировано 11 зараженных ферм. По словам представителя министерства, последний обнаруженный случай произошел в районе где уже были выявлены зараженные фермы — в 30 км к югу от Сеула. «Мы тщательно отслеживаем ситуацию на этой неделе», — сказал он. По его словам, еще один возможный случай сейчас в стадии проверки.

## ПОГИБАЮТ ОТ ЖАРЫ

Число умерших от жары в южной части Индии увеличилось до 622 человек. Наибольшие потери от жары несет штат Андра Прадеш. Температура здесь превышает 45 градусов по Цельсию. Об этом сообщают индийские власти, ожидающие, что список погибших будет расти, прежде всего за счет пожилых, больных и тех, кто работает на солнце.

## НА ЛУНУ

Китай планирует в ближайшее время вывести на орбиту пилотируемый космический аппарат, а также отправить человека на Луну. Как сообщили в Институте космических исследований КНР, проект готовится в рамках «Авиакосмической программы по запуску человека в космос», которая находится на заключительной стадии разработки.

Программа, запущенная в 1992 году, состоит из трех этапов: запуск в космос пилотируемого космического аппарата, отработка стыковки космических кораблей и вывод на орбиту пилотируемого космического корабля.

## НЕ БОЛЕЕ ЧЕМ...

Ведущий конструктор проекта «ВАЗ-2110» Валерий Козенков разъяснил сегодня, в чем разница между моделями ВАЗ-2110Т и ВАЗ-2110М. Как сказал Козенков, формально моделей ни с литерой Т («тюнинг»), ни с М («модернизация») не существует. В соответствии с принятой документацией, сегодняшняя модернизированная «десятка» обозначается ВАЗ-21103-0000010-03. Машине просто устанавливают новые бамперы, капот с иной решеткой радиатора, задний спойлер, блок-фары, накладки на двери и задние крылья и сами крылья. Стоит такая «переукомплектация» около 27 тыс. рублей. В Москве машина продается уже под индексом «М» — «модернизированная». Но «оба буквенных индекса — не более чем сленг», заявил Козенков.

**(По материалам информагентств и страницам Интернета).**

# БОЙСУН ЖАҲОННИ ЧОРЛАЙДИ

Бойсун... Жаннатмонанд диёримизнинг виқорли тоғлар бағридаги гўзал ва фусункор масканн, қадимий маданиятга бой ўлка. Бойсун эли ўзига хос фольклор мусиқаси, оғзаки шеърий ижодиёти, халқ достонлари, маҳаллий ҳунармандчилиги, миллий либос ва ўйинлари, қадимий урф-одатларини сақлаб қолган ҳаёт тарзига ва анъаналарига эга.

Бойсун маданияти ўтган йил баҳорида ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу муносабат билан 2002 йил 23 апрелда юртимиз маънавий-маданий анъаналарини сақлаш ва асраш, уларни халқимиз орасида ва халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш мақсадида махсус фармойиш чиқарди.

Унда, жумладан, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг шу йил 23—28 май кунлари Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фольклор фестивалини ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулланиб, бу ўзига хос байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Таниқли ёзувчи, Олий Мажлис депутати, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Эркин Аъзамдан ушбу муҳим маданий-маърифий тадбирнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— ЮНЕСКОдек мўътабар халқаро ташкилот Бойсунни инсониятнинг маънавий дурдонаси сифатида эътироф этиб, ғоят эътиборли, нуфузли рўйхатга киритгани халқимиз, Ватанимизнинг катта ютуғи, бекад ифтихорга лойиқ воқеадир,— дейди ёзувчи.— Маълум бўлишича, жаҳонда 19 та ана шундай ноёб маънавий маскан бор экан. Бойсун эса дунёнинг ўн тўққизинчи шу каби манзили сифатида тан олинди.

Аслида, ер юзида қадимий масканлар, бетакрор манзарали манзиллар беҳисобдир. Ўзига хос маданияти, маънавияти билан жаҳон афкор оммаси маданий табақаси эътиборини тортган халқлар, элатлар ҳам кам эмас. Лекин цивилизация деб аталмиш тарихий шарт-шароит тақозоси билан кўпдан-кўп урф-одатлар, маданий-маънавий қадриятлар унутилиб ёки қоришиб, замонавийлашиб кетаётгани ҳам сир эмас.

Шунга қарамай, юртимизнинг олис ҳудудида, тоғ этагидаги Бойсун деган мўъжаз бир масканда халқимизнинг қадимий, ҳатто исломдан олдинги маданиятга бориб тақаладиган урф-одатлари, кийим-кечаклари, яшаш тарзи, турмуш маданияти, санъати деярли ўзгармай келаётгани, ҳақиқатан ҳам, диққатга сазовордир.

Ўйлашимча, Бойсунда қадимий тарихий маданият шу ҳолда сақланиб қолганининг бир неча сабаби бор. Аввало, бу жўғрофий жойлашувга боғлиқ. Дейлик, Бойсун сарбаланд тоғ тизмалари бағрида эмас, аксинча, катта чорраҳаларда, текисликда ёки йирик шаҳарлар яқинида жойлашганида, эҳтимол, унинг турмуш маданияти муайян ўзгаришларга юз тутиши, бугун биз ва дунё эъзозлаётган нодир қадриятлари йўқолиб ёки қоришиб кетиши ҳам мумкин эди.

Шу билан бирга, Бойсун милоддан олдинги даврдаёқ машҳур Чағониён давлатининг ном қозонган манзилларидан бири ҳисобланганини унутмаслик керак. Бу ер қадимда работ сифатида анча гавжум, каттагина карвонсаройга ҳам эга бўлган.

Бойсун аҳлининг неча минг йиллик қадриятлари, урф-одатлари сақланиб қолишида жўғрофий жойлашув билан бир қаторда бу ерда истиқомат қилувчи халқнинг менталитети, ўзига хослиги ҳам алоҳида аҳамият касб этган бўлса ажабмас. Замонлар, сиёсатлар неча бор ўзгарганидан қатъи назар, бойсунликлар ота-боболаридан мерос турмуш тарзи, рўзғор анжомлари, кийим-кечакларидан тортиб, ўзаро муомала-муносабатлари, қуй-қўшиқлари ва тўй-ҳашамларигача барча-барчасини давр ва андак мослаштириб, умуман эса ўша-ўша қадимий ҳолида сақлаб келмоқда.

Бойсунликлар ўзини жами туркий халқларнинг афсонавий қаҳрамони — Алпомишнинг неваралари деб ҳисоблайди. Ер ости тоғу тошдан тортиб ҳар дарани, қишлоқни Алпомиш номи билан боғлаб турувчи афсоналар мавжуд. Маҳаллий халқ тилида шунга ўхшаш кўплаб ривоятлар юради. Уларнинг бирида Бойсун бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратларининг «Фарҳод ва Ширин» достони билан муштаракликда намоён бўлади. «Кетмончопди» манзили ва унинг тепасидаги кетмон билан чопилгандай тасаввур уйғотадиган ёнбағирликни бойсунликлар буюк шоиримиз достонидаги Фарҳоднинг довруғи билан боғлайди. Фестиваль ўтадиган манзил яқинидаги «Биби Ширин» қишлоғини эса Ширининг қишлоғи дейдилар.

Албатта, бу бир ривоят, тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган афсона, холос. Лекин бунинг замирида халқимизнинг, айниқса, Истиқлол йилларида шаклланган ўзликни англаш, қадимий ўтмишимиздан бемисл фахрланиш туйғуси мужассам. Чунки Бойсун, ҳақиқатан ҳам, Буюк Ипак йўли ёқасида жойлашган тарихий масканди. Гарчанд катта савдо йўлларидан чеккароқда бўлса ҳам, бу ер ўз вақтида турли маданиятлар бақамти келган манзил бўлган.

Табиийки, бундай ажиб маданият, ноёб манзаралар етарлича тарғиб қилинмаса, уни эл-юрт билмаса, Бойсунга бунчалик жаҳоний эътибор ҳам бўлмас эди. Бунда, фикримча, 35 йилча муқаддам ташкил этилган «Шалола» фольклор-этнографик ансамблининг муносиб ҳиссаси бор.

«Шалола» юртимиздаги шу тоифадаги ансамбларнинг дастлабкиси — қалдиргочи эди. Ўша даврларда, биласиз, фольклор тарғиботига у қадар эътибор берилмас, халқ оғзаки ижодиётини ривожлантиришга ҳам рағбат йўқ ҳисоби эди. Бу, албатта, эски тузум сиёсати билан боғлиқ бир ҳолат. Халқнинг ўзини, ўзлигини англашини ҳар хил йўллар билан чеклаш мақсадида, ҳатто «Алпомиш» достони ҳам қатағон этилган даврлар эсимизда.

Кейинчалик у «Бойсун» фольклор-этнографик ансамблига айлантирилди. Айниқса, мустақиллик туфайли бадиий жамоанинг ижодий имкониятлари кенгайиб, унинг дастурларига дунё миқёсида қизиқиш кучайди. Бугунги кунда хорижлик кўплаб мусиқашунос, этнограф ва тарихшунослар «Бойсун феномени»ни астойдил ўрганмоқда. Бўлажак фестивалда ҳам мазкур ансамбль чиқишларига кенг ўрин берилаётгани бежиз эмас.

**— Эркин ака, «Бойсун баҳори» фестивалининг ўзига хос жиҳатлари нимада, деб ўйлайсиз?**

— Даставвал, фестиваль айнан «Очиқ фольклор фестивали» деб аталганига диққатингизни тортмоқчиман. Бу байрамнинг том маънода очиқлигидан, унда эркин, ихтиёрий, бемалол иштирок этиш мумкинлигидан далолат. Ҳозиргача тадбирда Буюк Британия, Германия, Франция каби мамлакатлардан йигирмадан кўпроқ мусиқашунос, фольклоршунос, тарихчи ва бошқа соҳа мутахассиси қатнашиш истагини билдирди. Умуман олганда, фестивалда қарийб 300 нафар меҳмон иштироки кутиляпти.

Мамлакатимиз ҳукумати мазкур фестивални ўтказишни қўллаб-қувватлаш юзасидан махсус фармойиш чиқарганини эътиборда тутган ҳолда, бу тадбирга айнан жамоат ташкилотлари бош-қош эканини юртимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг нишонаси сифатида баҳолаш мумкин.

Фестиваль ўзбекистонлик ва хорижий ижрочиларнинг Марказий Осиё ҳамда Ўрта Шарқ халқлари фольклор мусиқаси, қўшиқлари, рақсларини намойиш этувчи ажойиб кўриги бўлади. Тадбирни ўтказишдан мақсад — асл фольклор мусиқаси, қўшиқлари ва рақслари, либосларининг анъанавий услублари ва халқ ҳунармандчилик намуналарини кенг оммага етказишдан иборат.

Шу билан бирга, фестиваль баҳона тинчлик, дўстлик, инсонпарварлик ва ҳамкорлик ғоялари сингдирилган халқаро маданий ва ижодий ғоялаларни кенгайтириш ҳамда халқ ижодиётининг ўзига хос анъаналарини топиш, саралаш ва сақлаб қолиш, уларнинг аудиовизуал архивларини яратиш ҳам кўзда тутилган. Еш авлодни халқ маросим ва урф-одатларига, мусиқа маданиятига, бадиий ҳунармандчилигига қизиқиш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳам мазкур тадбирнинг муҳим мақсадларидандир.

**— Фестиваль баҳорнинг сўнгги кунларига белгиланган тоғли жой иқлими билан боғлиқми ёки...**

— «Бойсун баҳори» байрамлар фаслининг охирги ҳафтасида ўтказилиши, албатта, бир жиҳатдан об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ. Кўриб турибсизки, бу йил баҳор инжиқроқ келди. Ҳатто фестиваль кунларида ҳам табиат жим туради, ёмғир ёғмайди, деб айтолмаймиз.

Айни чоғда бу сананинг белгиланиши ташкилий масалаларга ҳам бориб тақалади. Ҳозир Бойсунда фестиваль шаҳарчаси барпо этиш билан боғлиқ кенг кўламдаги қурилиш ишлари якунига етяпти. Келгусида бу ерда вақти-вақти билан шу тоифадаги тадбирлар ўтказиб турилади, деган ният бор.

Кези келганда айтиш жоизки, маърифатли мамлакатлар тажрибасига кўра, йирик тадбирларнинг ҳамма ҳам пойтахтда ўтказилавермайди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ажойиб урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш билан бир қаторда шу каби жаҳоний тажрибаларни ўзлаштириш ҳам яхши анъанага айланиб бормоқда. Шу пайтгача юртимиздаги кенг қамровли тадбирлар, асосан, йирик шаҳарларимизда ўтказилган бўлса, энди улар сафига Бойсунга ўхшаш олис манзиллар ҳам қўшилаётир.

Мухтасар айтганда, «Бойсун» деган олис тоғли ҳудудда дунё миқёсидаги эътиборли маданий-маърифий анжуманнинг ўтказилиши давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида улкан ўзгаришлар амалга оширилаётгани, миллий маданиятимиз тобора мамол топиб, дунё миқёсига чиқаётганининг яна бир яққол далилидир.

**ЎзА мухбири.**
**Ғ. АБДУРАҲИМ суҳбатлашди.**

● НА КОНКУРС «ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОКИЙ»

# ХАРАКТЕРИСТИКА

## РАССКАЗ

Получив из рук почтальона письмо, старший лейтенант Уринбай Умаров прежде всего посмотрел на обратный адрес. Он не был ему знаком, а подпись отправителя была неразборчива. Все прояснилось с первых строк: «К Вам обращается рядовой запаса Ильхом Абдуллаев...».

В памяти офицера медленно вырисовался портрет бывшего подчиненного. Высокий, черноволосый парень крепкого телосложения постоянно находился на правом фланге взвода. А какой был отличный стрелок! Пожалуй, лучше него снайпера в части и не было. Однако, помнится, провожали его в запас без особого сожаления. Что же ему надо?

Это стало ясно из следующих строк: «... Прошу дать мне характеристику для...». Так вот в чем дело! «В просьбе прошу не отказать, так как мне предлагают очень ответственную должность, и без положительной армейской характеристики меня не примут».

Что ж, ситуация обычная. Уволился солдат в запас. Попробовал себя «в бизнесе» — не получилось. Попытался поступить в институт — не хватило усидчивости и знаний. Вот и задумался о государственной службе. Пусть на ней заработок и невелик, зато постоянный, твердый, да и уважение от односельчан тоже кое-что значит. Докажи, что ты не случайный человек, что тебе вполне можно доверить действовать от имени государства. Армейская характеристика — лучшее поручительство, как тут не вспомнить и родное подразделение, и своего командира!

В таких ситуациях на ум всегда приходили случаи веселые и грустные, героические и нелепые, ведь именно в экстремальных, необычных условиях в полной мере раскрывается характер человека. И если в начале службы за каждым из новобранцев можно было насчитать немало упущений и «проколов», то к концу практически все становились ловкими и сильными, сметливыми и обстоятельными, знающими себе цену специалистами. В воинском подразделении, где каждый на виду у всех двадцать четыре часа в сутки, каждого видно «насквозь». Так чем же запомнился рядовой Абдуллаев?

... Перед марш-броском в полной боевой выкладке очень важно было не ошибиться с «буксиром». Так называют наиболее сильных и выносливых солдат и сержантов, которые замыкали строй и были обязаны помогать выбившимся из сил сослуживцам. При совершении марш-броска зачет идет по последнему военнослужащему, пересекшему финишную черту, и самое лучшее время, показанное прибежавшим первым, для подразделения значения не имеет.

В тот раз тогда еще лейтенант Умаров по неопытности не назначил «дежурного буксира». Посчитал, что коллектив дружный, ребята хорошо знают свои возможности, обязательно кто-нибудь придет отставшему на помощь. До сих пор еще не было случая, чтобы подразделение не пересекало финишную черту дружным строем. А иначе на эту «должность» обязательно бы попал рядовой Абдуллаев как наиболее крепкий и выносливый солдат из его подчиненных. Откуда тогда ему было знать, что Ильхом, до этого никогда не приходивший на марш-бросках первым, поспорил с сослуживцами, что первым пересечет финишную черту?

... Когда до финиша оставалось около километра, все «слабаки» уже были под присмотром наиболее крепких ребят. В основном роль «буксира» играли сержанты, хорошо чувствовавшие уже в силу своего должностного положения ответственность за подчиненных. А много ли отстающему надо? Мимолетный совет, дружеское подталкивание в плечо, а порой и просто усталое дыхание бегущего рядом сослуживца — все это придает силы, не дает расслабиться, махнуть на все рукой и упасть на землю.

Когда начал сдавать еще один солдат, бежавший замыкающим, младший сержант Фарход Саидов, уже державший на «буксире» выдохшегося новобранца, крикнул:

— Ильхом, помоги Джураеву!

Абдуллаев досадливо поморщился, но сбавил темп и сблизился с чуть захромавшим Алишером Джураевым:

— Помочь, инвалид?

Джураев обиженно вскинул голову и ответил резко и раздраженно:

— Обойдусь!

— Ну, тогда я побежал! — усмехнулся Ильхом и снова начал набирать темп.

Он тогда сумел опередить всех и пришел к финишу первым. А оставшийся в одиночестве рядовой Алишер Джураев пересек финишную прямую, когда лейтенант Умаров уже устал поглядывать на часы, неумолимо отсчитывавшие сначала отличное, потом хорошее, а затем и удовлетворительное время норматива. Что толку от рекорда части, поставленного рядовым Абдуллаевым, если взводу потом пришлось пересдавать полученную неудовлетворительную оценку?

А как он подвел на последних соревнованиях по стрельбе! Тогда от взвода надо было представить двух лучших стрелков. Уже старший лейтенант Уринбай Умаров не сомневался, что Абдуллаев сам вызовется защищать честь части. Но тот неожиданно отказался. Причем очень уклончиво: мол, и без меня в подразделении немало отличных стрелков. Пришлось пристыдить солдата, назначить своим решением.

Когда стрелки вернулись с состязаний без привычного приза, никто и словом не обмолвился о неудаче, наоборот, каждый стремился приободрить представлявших взвод сержанта Саидова и рядового Абдуллаева. Каково же было общее удивление, когда разъяренный всеобщим сочувствием Фарход в сердцах поведал сослуживцам подоплеку неудачи. Оказывается, Ильхом, узнав, что занявшим первое место стрелкам вместо традиционного ценного подарка вручат Почетную грамоту, специально выпустил все пули в «молоко»... Опешившие от подобной новости сослуживцы начали сторониться Ильхома, а тот даже бравировал своим поступком: «Что я, даром, что ли, буду напрягаться?».

Давно уволились в запас сослуживцы Ильхома, практически нет в подразделении тех, кто бы его помнил. «Товарищ старший лейтенант, сделайте доброе дело, пришлите хорошую характеристику,— пишет солдат,— я в долгу не останусь. Приезжайте, встречу как отца родного...».

Что ж, возможно, сам Ильхом Абдуллаев уже давно забыл, сколько раз стоял перед строем взвода, нагло посматривая на своих сослуживцев. Как размышлял его командир, старший лейтенант Уринбай Умаров, не зная, что предпринять: вроде налицо полное попрание всех неписаных законов войскового товарищества, а наказать нельзя, формально рядовой Абдуллаев перед уставом чист. Ну, не взял на «буксир» отставшего на марш-броске товарища, так ведь тот сам отказался от помощи. Не попал в мишень, так с кем не бывает. И если бы это было только два раза за службу...

Да, можно было бы закрыть глаза, учесть, что как бы там ни было, а службу рядовой Ильхом Абдуллаев отслужил, вроде и специалист был неплохой, и даже инициативу проявлял, когда это лично ему было выгодно... Кто об этом узнает? А там, глядишь, еще и примчится бывший подчиненный «с благодарностью» к бывшему командиру. Но как после этого он, старший лейтенант Уринбай Умаров, будет смотреть в глаза своим бывшим подчиненным? Как сможет воспитывать тех, кто придет в подразделение через полгода, год?

Можно обмануть самого себя, можно обмануть целый коллектив, но рано или поздно правда заявит о себе, и где-то далеко-далеко другой начальник, читая фальшивую характеристику, будет с недоумением спрашивать: «Где же были твои глаза, командир, кого ты мне на службу подсунул? Или уже нет в армии настоящих офицеров, отвечающих за каждое свое слово?».

...Характеристику на бывшего рядового Ильхома Абдуллаева старший лейтенант Уринбай Умаров написал на добрых два листа. На бумагу строчка за строчкой легли слова Правды. Горькой, но необходимой. Прежде всего самому Абдуллаеву.

**Петр НАГОРНЫЙ.**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

### Умумҳарбий низомларни ўрганамиз

**Ҳурматли офицерлар, аскарлар! Азиз муштарийлар!**

**«Ватанпарвар» газетаси таҳририяти ташкил этган «Умумҳарбий низомларни ўрганамиз!» танлови ўз билимингиз, имкониятингизни синовдан ўтказиш, махсус соврин, совға ва рағбатлантирувчи мукофотларни қўлга киритиш учун ажойиб имконият. Имкониятни ҳақиқатга айлантириб, ғолиб бўлинг! Танлов Ватан ҳимоячилари куни арафасида якунланади.**

**Тўпланган баллар ой, квартал давомида мунтазам ҳисоблаб борилади. Тест саволларини қириб, тўғри жавобларни белгилаб, редакция адресига жўнатаётганингизда исмингиз, фамилиянгиз ва манзилингизни тўлиқ кўрсатишни, конвертга «Танловга» деб ёзишни унутманг! Ҳар бир белгиланган тест жавоби рўпарасида фойдаланилган Низом ва унинг моддаси аниқ кўрсатилиши шарт.**

**Танловда фаол қатнашинг,омад сизга ёр бўлсин!**

### ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Ҳарбий хизматчи берилган буйруқнинг бажарилиши тўғрисида кимга билдирув беради:**

А Буйруқни берган бошлиққа.
В Ўзининг бевосита бошлиғига.
С Буйруқни берган бошлиққа ва ўзининг бевосита бошлиғига.

**2. Бригада штабининг бошлиғи қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситаларнинг жойидалигини ва ҳолатини қачон текширади?**

А Йилда камида икки марта.
В 3 ойда бир марта.
С Ҳар ойда.

**3. Олдин интизомий таъзир олган ҳарбий хизматчи рағбатлантириладими?**

А Йўқ.
В Бригада командири белгилайди.
С Таъзирнинг бекор қилиниши билан.

**4. Ҳарбий хизматчи номи ёзилган совуқ ва ўқотар қурол билан тақдирланадими?**

А Йўқ.
В Ҳа. Давлат олдидаги алоҳида хизматлари ва жанговар жасорати учун.
С Бригада командири белгилайди.

**5. Шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётганларнинг ҳарбий интизомни бузишлари қайси жамоатчилик муҳокамасида кўриб чиқилади?**

А Офицерлар йиғилишида.
В Шахсий таркиб йиғилишида.
С Шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётганлар йиғилишида.

**6. Ҳарбий хизматчи Низом қоидаларини бузганда патруль бошлиғининг вазифаси нима?**

А Тушунтириш хати олиб, комендатурага юборади.
В Тушунтириш хати талаб қилмаган ҳолда, гарнизон комендатурасига келтириш чора-тадбирларини кўради.
С Уйига кетишига ёрдам беради.

**7. Қоровул қачон навбатчи ихтиёридан чиқади?**

А Алмашув батамом тугагач.
В Қоровулнинг тарқатишдан қайтган вақтидан бошлаб.
С Алмашувдан сўнг ўз жойига йўлга чиқиш учун қоровул бошлиғининг «Қадам бос» командаси берилган фурсатдан.

**8. Соқчига, техник ҳимоясиз, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун қанча участка берилади?**

А Кундузи — 2 километргача, кечаси 1 километргача.
В Кундузи — 1 километргача, кечаси 500 метргача.
С Кундузи — 500 метргача, кечаси 250 метргача.

**9. Ҳарбий хизматчи шахдам қадам билан ҳаракат қилганда учи олдга чўзилган оёқни қанча кўтариши керак?**

А 15—20 см.
В 70—80 см.
С 85—90 см.

**10. Агар ҳарбий хизматчининг қўлларида юк бўлса, у қандай ҳарбийча саломлашади?**

А Саломлашмайди.
В Бошини бошлиқ томон буриш билан.
С Шахдам қадам ташлаб.

**ЖАВОБ БЕРУВЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР:**

1. Фамилияси, исм-шарифи: _____

2. Манзили: _____

3. Таклифлар: _____

**Тест саволларини подполковник Н. ГУЛБОЕВ тайёрлаган.**

## МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Нукус гарнизонида футбол бўйича ҳарбий жамоалар орасида гарнизон биринчилиги бўлиб ўтди.

Финалда майор Б. Оллоёров ва капитан Р. Ғаниев бошчилигидаги командалар ўзаро куч синашди. Шартнома бўйича хизмат катта сержанти К. Жумамуратов киритган ягона тўп капитан Р. Ғаниев бошқарган жамоага ғалаба келтирди. Учинчи ўринни капитан Б. Мўминов қўл остидаги футболчилар эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга мукофотларни гарнизон бошлиғи подполковник О. Ражабов топшириб, спортчиларга янги зафарлар тилаб қолди.

**Шартнома бўйича хизмат старшинаси А. АРЗИЕВ,**
**Нукус гарнизони.**

## ЯНГИ СПОРТ МАЖМУИ

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи қишки спорт мажмуининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанада нафақат ҳарбийлар, балки маҳаллий ҳокимият, чегарачилар, ички ишлар бошқармаси, жамоат ташкилотлари вакиллари, қурувчилар ҳам қатнашдилар. Округ қўмондони генерал-майор Тўлқин Жумаев йиғилганлар ҳузурида сўзга чиқиб, ушбу янги соғломлаштириш масканининг округда спортни ривожлантиришдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди. Уни барпо этишда қатнашган илғор ишчи-хизматчилар ва офицерларга миннатдорчилик билдириб, уларга эсдалик совғалар топширди.

Сўнгра тантана иштирокчилари спорт мажмуи ичкарисига киришди. Катта спорт зали, бу ерда яратилган шарт-шароитлар барчага манзур бўлди. Ушбу даҳиқаларни орзиқиб кутган спортчи офицерлар командалари эса дарҳол волейбол мусобақасини бошлаб юборишди.

Ўйин тугагач, катта лейтенант Собиржон Юсупов бошлиқ аскарлар ободончилик ишлари олиб борган, қум сепиб, чим ётқизган боғда байрамона дастурхон безатилиб, ош тортилди. Санъаткорлар дилрабо куй ва қўшиқлар билан йиғилганларга хизмат қилдилар.

Ҳа, бугунги тантана нафақат спортчи офицерлар, меҳмонлар, балки қаровсиз бинони қисқа муддатда қайта таъмирлаб 12 миллион сўмлик иш бажарган подполковник Шайдулло Ғажабов бошлиқ уй-жойдан фойдаланиш қисми ишчи-хизматчилари учун ҳам катта шодиёнага айланди. Ахир прораб Анатолий Татаев, қурувчилар бригадаси бошлиғи Нормурод Турсунов, бўёқчилар — Боянсулув Тазиддинова, Люба Шаубатирова, София Теунаяева, суворчи Носир Тўрақулов, гишт терувчи Файзулла Нарзуллаев, пайвандловчи Равил Исхаков, электрчи Низом Тўрақуловлар бугун азиз меҳмонлар қаторида эъзозландилар. Шунча одамга шодлик улашганларини юраклан ҳис қилишди. Ҳатто, қўмондоннинг ўзи уларнинг меҳнатларини юксак баҳолади, тақдирлади.

**Капитан А. УСМОНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

**Кексаликнинг, айниқса, нуронийликнинг гашти бўлакча. Фарзандлар эъзозида кўнглинг доимо ёш бўлади.**

**К. ТУРАЕВ** суратга олган.

● МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЕТИДАН

## МЕН ҲАМ ТУЙМАЯПМАН

Таниқли рассом Макс Слефогт машҳур бўлмасидан олдин жуда қийинчилик билан кун кечирар эди. Бир куни бир харидор у чизган расм олдида узоқ вақт туриб қолди.

— Бу расм шунчалик ажойиб экан-ки, унга қараб ҳеч тўймаяпман!— деди у.

— Мен ҳам,— жавоб берди Слефогт,— шунинг учун ҳам уни сотмоқчи бўлиб турибман-да!

## ҲАММАСИ ХОТИНГА БОҒЛИҚ

Адабиёт ва санъат намояндаларининг ҳомийси ҳисобланган бир давлатманд кишиникида бўлаётган кеча-да Флобердан сўраб қолишди:

— Ҳар бир жумла устида қанча вақтгача бош қотириб ишлаш лозим?

— Хотинингиз то овқатга чақирмагунча,— деб жавоб берди ёзувчи.

**Ш. ОТАБЕК тайёрлаган.**

● ФУТБОЛ: ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА. ВЫСШАЯ ЛИГА

## ТАКИЕ РАЗНЫЕ ЮБИЛЕИ...

**Представляем итоги 10-го тура: «Трактор» — «Нефтчи» — 1:1, «Самарканд-Д» — «Сурхан» — 2:0, «Бухара» — «Дустлик» — 2:1, «Согдиана» — «Насаф» — 1:3, «Зарафшан» — «Коканд-1912» — 3:0, «Машъал» — «Кызылкум» — 3:6, «Навбахор» — «Металлург» — 2:2, «Пахтакор» — «Андижан» — 5:0.**

Успех молодежной сборной в отборочных играх первенства Азии, похоже, настолько вдохновил новобранцев «Пахтакора», что подопечные Виктора Джалилова и во внутреннем чемпионате громят соперников без разбора. На сей раз под «каток» ташкентского клуба попали андижанцы — причем, из пяти мячей, побывавших в воротах гостей, три на счету Леонида Кошелева. Соавторами победы стали Джеперов, забивший гол с пенальти на 42-й минуте, и Таджиев, отличившийся в добавленное время второго тайма.

Не смогли подтвердить свои притязания чемпионы страны прежних лет — «Нефтчи» с «Навбахором» потеряли по два очка, а «Дустлик» и вовсе проиграл на выезде. Впрочем, «Трактор» в родных пенатах всегда славился умением дать бой любому лидеру, а бухарцам, видимо, помогла воспрянуть духом боевая ничья в Каршах в предыдущем туре. «Навбахор» имел шанс дома добиться победы — после двух голов Мирхолдиршаева хозяева вели 2:0, но дубль Баранова позволил бекабадцам отыграться. Лидеру атак наманганцев не удалось в этой «дуэли» принести команде победу, однако в споре бомбардиров с 9 голами он пока впереди.

Аутсайдерам этот тур также не подарил никаких надежд — лишь «Трактор» с «Зарафшаном» смогли сделать шаг по отдалению от опасной зоны. Отчаянно сражался «Машъал», но даже три гола не дали ни одного очка мубарекцам, ведь пропустили они в свои ворота вдвое больше. Таким образом, «Кызылкум» подтвердил серьезность своих претензий на медали чемпионата. Однако и каршинцы своего не упустили, выездной победой сохранив зыбкое преимущество всего в одно очко.

Не складывается пока игра у кокандцев, отмечающих в этом году 90-летие клуба. Неплохо бы им взять пример с «Реала» — мадридцы преподнесли 100-летию королевского клуба достойный подарок, победив в Лиге чемпионов, а Рауль с Зиданом стали героями финала против «Байера». Однако в Коканде смена названия пока не привела к смене качества игры...

**Майор А. КАМАЛОВ.**

**ПОЛОЖЕНИЕ КОМАНД ПОСЛЕ 10-го ТУРА:**

| | И | В | Н | П | М | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Пахтакор» | 9 | 9 | 0 | 0 | 31—1 | 27 |
| 2. «Насаф» | 10 | 6 | 2 | 2 | 18—8 | 20 |
| 3. «Кызылкум» | 10 | 6 | 1 | 3 | 22—13 | 19 |
| 4. «Самарканд-Д» | 10 | 5 | 3 | 2 | 13—9 | 18 |
| 5. «Бухара» | 10 | 5 | 2 | 3 | 14—19 | 17 |
| 6. «Металлург» | 10 | 4 | 3 | 3 | 11—13 | 15 |
| 7. «Навбахор» | 10 | 4 | 2 | 4 | 17—15 | 14 |
| 8. «Нефтчи» | 10 | 4 | 2 | 4 | 13—11 | 14 |
| 9. «Согдиана» | 10 | 3 | 3 | 4 | 12—13 | 12 |
| 10. «Дустлик» | 10 | 4 | 0 | 6 | 13—18 | 12 |
| 11. «Зарафшан» | 9 | 3 | 2 | 4 | 11—8 | 11 |
| 12. «Коканд-1912» | 10 | 3 | 2 | 5 | 8—15 | 11 |
| 13. «Трактор» | 10 | 2 | 3 | 5 | 10—14 | 9 |
| 14. «Андижан» | 10 | 2 | 2 | 6 | 9—20 | 8 |
| 15. «Сурхан» | 10 | 2 | 2 | 6 | 8—19 | 8 |
| 16. «Машъал» | 10 | 2 | 1 | 7 | 8—22 | 7 |

● БАДМИНТОН

## ЖАРКИЕ БАТАЛИИ „ТАШКЕНТСКОЙ ВЕСНЫ"

**На днях на базе спортивного зала школы № 110 Мирабадского района столицы завершилось лично-командное первенство столицы «Ташкентская весна» по бадминтону. Организаторы приурочили его проведение к предстоящему Международному дню защиты детей, который отмечается 1 июня.**

Одиннадцать районов города представили свои команды на эти соревнования. Каждая состояла из 8 человек: по 4 юноши и 4 девушки. А проводились они по олимпийской системе во всех категориях — одиночных, парных и смешанных.

Организаторы первенства приложили немало усилий, чтобы этот спортивный праздник надолго запомнился. Огромную лепту в его проведение внесли хокимият столицы, ташкентское городское отделение фонда «Соглом авлод учун», городской комитет по физической культуре и спорту, а также СП «Тамириз».

Надо заметить, что турнир удался и достиг поставленной цели. И об этом говорили и участники соревнований, и руководители команд, которые еще на подготовительном этапе проявили к нему максимальное внимание. И даже несмотря на то, что многие участники первенства серьезно познакомились с бадминтоном непосредственно во время соревнований, тем не менее, были предельно внимательны и проявили настоящий спортивный характер на пути к успеху.

В результате острых, порою жарких, встреч на бадминтонных площадках определились победители в командном зачете. Первое место заняла команда Мирабадского района, на втором — ребята из Шайхантахурского, а замкнули тройку призеров представители Юнусабада. Надо заметить также, что огромную волю к победе проявили хамзинцы, заняв пусть и четвертое, но не менее почетное для них место.

В личном зачете победительницей среди девушек стала Евгения Новикова (Мирабадский район), среди юношей — Улугбек Шукуров, защищавший честь команды Шайхантахурского района.

**О. САВАТЮГИН,**
**старший тренер Республики Узбекистан.**

## ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



**Белгиланган хонадан соат милли йўналишида рақам атрофига:**

1. Бир неча взводдан таркиб топган отлиқ аскарлар бўлинмаси. 2. Қуёш галактикаси таркибидаги сайёра. 3. Бухоро вилоятидаги шаҳар. 4. Жун газлама. 5. Ернинг шакли ва ўлчамини ўрганувчи ва ер сатҳини режа ва хариталарда акс эттириш учун ўлчаш билан шуғулланувчи фан. 6. Сафда юришга мослаб ёзилган мусиқа асари. 7. Бадиий адабиёт ва она тилидан ўтказиладиган ёзма иш. 8. Темир йўл транспорти корхонаси. 9. Мудофаа таянчи. 10. Спорт анжоми. 11. Металларнинг турли элементлар билан бирикмасидан иборат маъдан. 12. Цемент ишлаб чиқаришда ишлатиладиган гидроксид минерал. 13. Атмосфера босимини ўлчаш асбоби. 14. Ҳамдўстликдаги республика пойтахти. 15. Бажарилиши мажбурий бўлган вазифа. 16. Пул ва қимматбаҳо қоғозларнинг белгиланган барқарор қиймати. 17. АҚШдаги штатлардан бири. 18. Ишлар жамғармаси. 19. Тошкент вилоятидаги оромгоҳ. 20. Оғир юк кўтариш техникаси. 21. Йирик жануб ҳайвони.

**Ф. ОРИПОВ.**

**ГАЗЕТАНИНГ 52-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** 1. «Қиёмат». 3. Теллур. 7. Телефон. 8. Агра. 10. Цент. 12. Арена. 14. «Ҳамса». 15. Армия. 19. Марка. 20. Алоэ. 22. Авар. 23. Трамвай. 24. Теннис. 25. Чақмоқ.

**БЎЙИГА:** 1. Кувайт. 2. Мита. 4 Ленц. 5. «Рустам». 6. Келес. 9. Романо. 11. Еттисув. 12. Ассам. 13. Аорта. 16. Апатит. 17. Ўрама. 18. Чорвоқ. 21. Этан. 22. Айиқ.

● ПЕСТРЫЙ МИР

## ЛИМУЗИН ДЛЯ МАО

На стадионе в китайском городе Чэндэ (провинция Хэбэй) местный коллекционер Лю Венью выставил для осмотра туристами редчайший автомобиль — шестидверный лимузин китайского производства, изготовленный специально для бывшего главы КПК Мао Цзэдуна.

Как сообщает Ксинхуа, лимузин был произведен в начале 70-х годов прошлого века китайским предприятием (лимузин для Мао стал вообще единственным автомобилем, выпущенным с конвейера этого предприятия) по личному заказу Мао, который намеревался ездить на китайской машине во время своих заграничных визитов с тем, чтобы «продемонстрировать возможности автомобилестроительной отрасли КНР». Как сообщается, Мао так и не успел ни разу воспользоваться изготовленной для него машиной.

Для своего времени лимузин был хорошо оснащен. В пассажирской части салона стоял цветной телевизор, два дивана, кондиционер, телефон и т. д.

После смерти Мао автомобиль долгое время стоял без дела, пока не попал в руки хэбэйского коллекционера.

**(По материалам печати).**

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУҚАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0188.